

Ўзбекистоннинг Қашқадарё воҳаси чўл зонаси. Бу ерлик аҳоли умр бўйи тоза ичимлик суви танқислигидан азият чекиб келишади.

2009-йилда — “Қишлоқ тарққиёт йили” муносабати билан Қамаш туман “Лойқасой” ҚФЙ ва “Бадахшон” МФЙ худудларига қарашли 9 та қишлоқ хонадонларини ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилди. Бундан хабар топган халойик беҳад севинишганди.

Бирок, ҳамон ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолди.

“Эшитишимизга қараганда “Яккабоғ - Қамаш - Қарши” йўналишига ётқизилган 1200 млик



ЎЗБЕКИСТОН: «ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТИ БАНКИ» САФАРБАР ҚИЛГАН САРМОЯ ҲАМ ТАЛОН-ТАРОЖ ЭТИЛГАН

трассасини сув олиш манбаи деб 2 миллиард сўмлик лойиха сметаси тузилган. Лекин “Самарқанд ўзбекгазсув қурилиш” МЧЖ бошлиғи Э.Остонов объектни тендирда ютиб олиш учун 349 550 минг сўм иктисод қилинишини асос қилиб кўрсатиб, “Яккабоғ-Қарши” трассасини сув олиш манбаи деб танлаб 1651 056 451 сўмга лойиха сметани ўзгартириб, Яккабоғ тумани “Изиллоқ” қишлоғидан қувур ётқизиш ишларини ва ичимлик суви олиш манбаини (источник) аниқламасдан (вода искательный) қидирув ишларини бажармасдан 2 та сиғими 500м³ дан 1000 м³лик “Бадахшон” сув хавзаси қурилишини ҳамда 9 та қишлоқ кўчаларига ичимлик суви қувурини ётқизиш ишларини бошлади. Лекин тугалланмаган объектни 2011 йил фойдаланишга топшириш ва фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси тузилди” деб ёзади Қашқадарё вилояти Қамаш тумани “Лойқасой” ҚФЙ ва “Бадахшон” МФЙ аҳолиси номидан ҳуқуқ химоячиси Р.Дурсаев, фуқаролар Т.Тўлаков ва Х.Йўлдошовлар Бош Вазир Шавкат Мирзиёевга йўллаган ўз шикоят хатларида, “Қонунга хилоф равишда топширилгани,

туманимизнинг 13 та мансабдор шахслари қонунга хилоф равишда фойдаланишга қабул қилишгани, бажарилган ишлар сифатсиз бажарилгани, бажарилган ишлар смета асосида бажарилмагани, сув олиш манбаи нотўғри лойихалаштирилгани, колодестлар смета асосида ўрнатилмагани, колодистлар ички томонидаги бажарилган ишлар лойиха асосида қилинмагани, қувур ва колодестлар талаб даражасида ўрнатилмагани, ёмғир суви натижасида тўпланган жилға сувлар колодестлар ичига оқиб кириши эвазига турубалар ичи лойга тўлиб фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, санитария талабларига жавоб бермаслиги, ётқизилган қувурлар дезинфекция қилинмаганлиги, сув оқова трубази 1,5-2метр чуқурликда ётқизилиши ўрнига айрим жойлар бир метргача чуқурликда ётқизилгани, коллектирдан ўтказилган трубалар очик ҳолда ётганлиги, смета асосида ўрнатилмагани, водомерни ўрнатмасдан истемолчилар қўлларига ноқонуний тартибда топширишгани, кўпчилик хонадонларга 50 (эллик) метрда 500 (беш юз) метргача бўлган масофада ер ишлари бажарилмагани ва қувур ётқизилмагани, водомер

ўрнатилмасдан водомер ўрнатилгани хақида умумий далолатнома тузилгани, топшириш ва қабул қилиш далолатномасига Қамши туман оқова сув бўлими вакили Т.Тўлаков ўрнига сохта имзо қуйишгани, ҳар бир хонадон эгаси билан далолатнома тузилмагани Олтинтепа, Таёқли, Соритепа, Олға, Шурча, Сарқач ва Бадахшон қишлоқлари кўчаларига ётқизилган қувурлардан синаб кўриш учун умуман сув ҳайдалмагани ва синаб кўрилмагани, Белдовтепа қишлоғининг айрим кўчаларига ётқизилган қувурларни синаб кўриш учун 2011-йил қисқа вақт сув ҳайдалгани, лекин айрим хонадонга ўрнатилган қувурдан сув оқиб айрим хонадондан сув оқиб чиқмагани, синаш вақти колодестлар атрофидан ва қувурлардан кўчага сув оқиб чиққанлиги, бужойлар таъмирлашга мухтожлиги, Бадахшон сув хавзаси сатхидан сув олиш манбаи (источник) пастлиги, сув хайдаш учун ўрнатилган насослар билан 2 та сиғими 500м³ дан 1000м³ сув хавзасини тўлдиришга имконият йўқлиги, аҳолини ичимлик суви билан таъминланмаганлиги сабабли 2011-йилдан буён

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

коммунал тўлов қилинмаётгани, бундан Республикамиз бюджети иқтисодий зарар кўраётганлиги, биринчи лойиҳа “Яккабоғ-Қамаши-Қарши” трассаси йўналишини сув олиш манбаи қилиб олинганида ҳеч бир харажатсиз, электр энергия сарфламасдан, насослардан фойдаланмасдан “Бадахшон” сув хавзаси сув билан тўлиқ таъминланиши эвазига аҳолини ичимлик суви билан таъминланиш ва коммунал тўлов тўланиши

натижасида қисқа вақтда “Осиё” тараққиёти банкдан сарфланган маблағ қопланиши, маъсулиятсизлик билан сарфланган, кўзбуямачилик билан иш бажарган, бюджетга кўп миқдорда зарар келтирган мансабдорларга ва шикоятимиз юзасидан қарор бермаган прокурорларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш ҳақида



вилоят сув оқоқва бошқармасига ва вилоят ҳокимиغا 06.05.2013 йил, 30.10.2013 йил, Ўз.Р МХХ раисига 30.10.2013 йил, Мухтарам Президентимиз И.Каримовга 30.10.2013 йил, 24.02.2014 йил Ўз.Р. Бош прокурорига 27.01.2014 йил, 25.03.2014 йил Ўз.Р МХХ га 03.02.2014 йил мурожаат этдик” дея ўз шикоят хатларини давом эттиради аризачилар.

Қизиғи, Ўзбекистонда илк маротаба Ўзбекистонда фуқаронинг аризаси қонун ижроини назорат этувчи ташкилот – прокуратура томонидан оқибатсиз қолдирилмади. “Осиё” тараққиёти банки аратган сармоянинг талон-тарож этилишига оид шикоят ариза юзасидан Қашқадарё вилоят прокуратураси жиноят иши қўзғатилганлигини прокурор ўринбосари Ш.Р.Турдалиев 05.03.2014 йил нинг 5 март кун оддий хат орқали бўлса-да аризачиларга маълум қилганди.

Ва ҳатто, “2014-йил 5-март кун вилоят прокуратураси тергов бўлимида шикоятимиз юзасидан қўзғатилган жиноят иши қарори билан танишгандим” дейди шикоят ариза муаллифларидан бири Раҳматжон Дурсаев, “Самарқанд Ўзбекгазсув қурилиш” МЧЖ мансабдор шахслари ва тугалланмаган объектни фойдаланишга қабул қилишган 13 та комиссия аъзолари томонидан содир этилган жиноий

қилмишларини яшириш мақсадида шикоятимиз матни асосида жиноят иши қўзғатмасдан “Оригинал” қурилиш конферт МЧЖ билан 120-сонли шартномага асосланиб 2013-йилда вилоятнинг манзилий дастурига асосан маҳаллий бюджетдан ажратилган 142,2 миллион сум маблағ эвазига сизими 100 мЗлик Белдовтепа қишлоғида қурилган қўшимча сув хавзасида қилинган ишлар юзасидан 05.02.2014-йил жиноят иши қўзғатилган. Аслида “Оригинал” қурилиш конферт МЧЖ

томонидан қурилган сув хавзаси “Бадахшон” сув хавзаси нотўғри лойиҳалаштирилганлигини яшириш мақсадида қурилган. “Осиё” тараққиёти банкнинг 1 651 056 451 ва маҳаллий бюджетдан ажратилган 142,2 миллион сум, жами 1 793 256 451 сум мансабдор шахсларнинг жиноий қилмишлари эвазига ўз самарасини бермай келмоқда”, дея гувоҳлик беради Р. Дурсаев.

Шикоятчилар келтирган фактларга таянадиган бўлсак, “Самарқанд-Ўзбекгазсув қурилиш” МЧЖ мансабдор шахслари томонидан тўлов сертификатларини қалбақлаштириб, сув иншоотида жами 35,5 миллион сум иш бажарилган бўлса-да тўлов сертификатларига 61,4 миллион сум иш бажарилганлиги тўғрисида сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, 22,8 миллион сумни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлиги учун 09.02.2012-йилда жамият мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов натижасига кўра, жамият раҳбари Э.Остонов, жамият иш юритувчиси О.Рахимов ҳамда жамият бош ҳисобчиси А.Мейлиевларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган. Бу борада аризачилар қўлида

вилоят прокурор ўринбосари Ф.Т.Самуков томонидан 13.12.2013-йил, 18.12.2013-йил ва 23.12.2013-йиллари йўлланган жавоб хатлари мавжуд. Шунингдек, Самуков ўз жавоб хатида “Бадахшон” сув йиғиш ва тарқатиш иншооти Қамаши туман “Сувоқова корхонасига синовга берилган бўлиб, лекин иншоот тўлиқ топширилмаган, электр энергия таъминоти узлуксиз таъминлаб берилмаганлиги сабабли иншоот ва сув қувирларини тўлиқ ўрганишни имкони бўлмади” дея алоҳида таъкидлаб ўтган.

Шикоят ариза муаллифлари “Жуда кўп миқдорда келтирилган зарарни яшириш мақсадида ниқоб остида жиноят иши қўзғатишган. Шу сабабли бизга хужжатлардан нусха ва қарорларни беришмай келишмоқда” деган иддаони илгари суришмоқда.

Бирок, аризачилар шу

билан номудиб бўлишган, ортга чекинишган эмас. Улар прокуратуранинг кўйи идораси томонидан йўл қўйилган қонунсизлик хусусида, яъниким, Шикоятлари юзасидан “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига асосан қарор бермаганлиги ва қўзғатилган жиноят иши хужжатларидан нусха бермаганлиги ҳақида Ўзбекистон бош прокурорига мурожаат этишга мажбур бўлишди.

Шубҳали томони шундаки, наҳотки “Осиё” тараққиёти банки томонидан ажратилган сармоянинг “туя қилинганлиги” кимсан Ўзбекистон Республикаси бош прокуратурасида савлат тўқиб ўтирган қонун “қароқчиларини”, эй йўғ-э, қонун ҚЎРИҚЧИЛАРИНИ заррача кизиктирмаса? Нега? Нима, Бош прокуратурадагилар бу молядан ўз ризқларини олишганми, сармояни “туя қилиш”да кўмак қилиб қўйишганми? Акс ҳолда иқтисодий жиноятларни ҳаспўшлашга уринишнинг, боқибегамликнинг боиси не?

Мазкур хабар Қашқадарё вилояти, Қамаши туманида истиқомат қилувчи ҳуқуқ фаоли Раҳматжон Дурсаев, Т.Тўлаков ва Х.Йўлдошовларнинг Бош вазир Шавкат Мирзиёев номига ёзган шикоят аризаси асосида тайёрланди.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистонда миллий валютани чет эл валютасига конвертация қилиш тижорат банклари томонидан Халқаро валюта фонди (ХВФ) битимининг VIII моддасида кўрсатилган мажбурият билан амалга оширилади, дея 22 май куни хабар берган республика Марказий банки матбуот хизмати. Бу билан Марказий банк расмий курс бўйича конвертация тўхтатилганлиги ҳақидаги хабарни рад этди.

Айтиш керакки, Ўзбекистонда ҳеч ҳам чет эл валютасини эркин конвертация қилиш йўқ. Марказий банк



хизмат кўрсатадиган банк ва божхона органлари томонидан рўйхатдан ўтказилиши лозим. Рўйхатдан ўтказилгандан сўнг импорт қилувчи компания валютани “биржа” курсида сотиб олиши ёки давлат курси бўйича конвертация қилишга рухсат олиши керак, кейин пулни ўзининг оффшорлик компаниясига “чиқариб”, маҳсулотни божхона тозалашидан ўтказган ҳолда, шартномани рўйхатдан ўчириши лозим. Бу қадамларнинг барчаси мансабдор шахсларга пора бериш билан амалга оширилади.

Марказий банк валюта айирбошлаш тўхтатилганлиги ҳақидаги “миш-миш”ларни инкор қилди

томонидан эслатиб ўтилган VIII моддада эса, амалдаги халқаро операциялар бўйича миллий валюта конвертациясини жорий этишни кўзда тутувчи, ХВФга аъзо мамлакатларнинг умумий мажбуриятлари ҳақида таҳкидланган. Бу мажбуриятларни Ўзбекистон 2003 йилда қабул қилган эди. Аммо бир неча ой ўтиб, Ўзбекистон ички бозорида ўсиб бораётган инфляция ва нархларнинг ошиши натижасида, норасмий президент қарори билан эркин конвертация тўхтатилган эди.

Ҳозирги вақтда, импорт-экспортни фаолияти учун қандай бўлса ҳам шароит яратиш мақсадида, Ўзбекистон ҳукумати маъмурий усулда валюта операцияларини тартибга солишни қайта бошлади. Бунинг маъноси шуки, мансабдор шахслар билан чет эл валютаси олди-сотдиси “квотаси” юзасидан “битим” туза олган, маҳсулот ва хизматларни экспорт ёки импорт қилувчи компаниялар учунгина конвертация амалга оширилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги валюта конвертациясини тизими тўлиқ равишда бозор иқтисодиётига мос эмас ва давлат мансабдор шахслари томондан йўл қўйилмаган коррупция, ўзбек банкларининг фирибгарлик ва ярим қонуний фойда топишлари ва чет эл бизнеси фаолиятини сезиларли даражада қийинлаштириш учун ажойиб ҳудуд сифатида бир вақтнинг ўзида бир бирига боғлиқ бўлмаган қатор механизмлардан иборат.

Мамлакатда камида тўртта валюта курси мавжуд:

-Расмий – Марказий банк томонидан белгиланган курсга кўра, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан белгиланади (энг арзон курс);

-Биржа курси – Ўзбекистон Республика валюта биржасидаги “савдолар” давомида белгиланади; -“Қора бозор” – аҳоли ва кичик тадбиркорлар учун валюта бозори; -“Клиринг” – маҳсулот ва хом ашё биржасида шаклланади.

Ташкилотларнинг ёпиқ рўйхати мавжуд бўлиб (асосан булар хом ашё билан савдо қилувчи миллий “стратегик” аҳамиятга эга, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида ўз фаолиятини олиб боровчи йирик трансмиллий корпорациялар), улар учун конвертация кафолатланган. Компанияларнинг иккинчи туркуми бу – давлат ёки “биржа” курси бўйича валюта сотиб олиш учун оз бўлсада имкониятга эга компаниялар (бу рўйхат тез-тех ўзгариб туради). Имтиёзга эга бўлмаган бизнеснинг учинчи гуруҳи, валюта учун бозорга (“Қора бозорга”) борадиганлар.

Мамлакатда фаолият юритувчи ёки ҳар қандай турдаги маҳсулот етказиб бериш билан шуғулланувчи Ўзбекистондаги чет эл корхоналари ва унинг ташқи иқтисодий ҳамкорларининг барчаси истисносиз равишда ҳар қандай ҳолатда ҳам конвертация муаммосига дуч келган ёки келади.

Маҳсулот етказиб бериш бўйича ҳар қандай шартнома Ўзбекистонда импорт қилувчига

Норасмий кўрсатмалар ва ташқи иқтисодий бошқарув йўналишидаги ҳукуматнинг ўзбошимчалиги туфайли тадбиркорлар мажбурий равишда қонунчиликни бузиш йўлидан юришади. Ўзбекистонда шартномалар тузишни истаган ҳар қандай чет эл инвестори, сотувчи ёки харидорларнинг турли лавозимдаги мансабдор шахслар билан тузиладиган “яшириш шартнома”лардан қочиш имкони йўқ. Бундай келишувлар ўзбек бозорига кириш учун мажбурий шарт ҳисобланади, аммо келажакда ҳеч нарсага кафолат ҳам бўлмайди ва судда ҳам ҳеч қандай қиймати йўқ. Ўзбекистон банкларидаги манбалардан олинган маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда турли ташкилотлар учун миллий валютани чет эл валютасига конвертация қилиш учун рухсат олиш жараёни муддати бир ойдан ўн икки ойгача чўзилиши мумкин. Фақатгина чет эл молиявий институтлари (чет эл банклари кредитлари бўйича, ОТВ, ЕТТБ, Ислом банки қарзлари) олдидаги конвертация мажбуриятлари муаммосиз (МБУ ТИБ курси бўйича) амалга оширилади.

Шубиланбирга, бирнарсанликки, Европа иттифоқи делегациясининг Ўзбекистондаги элчи-бошлиғи такидлагандек, “чет эл валютасини тўла конвертациясини йўлга қўйиш ва иш юритиш жараёнларини енгиллаштириш Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасидаги энг самарали қадамлардандир”.

ЎХХ хабарлар бўлими



Одамлар нафақа учун кунлаб навбат кутишмоқда, лекин натижа йўқ

Ўзбекистонда нафақа бериш кечикиши давом этмоқда: кўплаб маҳаллий нафақахўрлар бир неча кунлаб почта бўлинмасида навбат кутиб вақт ўтқазишмоқда. Санокли кишигина нафақа олмоқда халос, қолганлар эса уйларига қуруқ қайтишмоқда. Эртаси куни тонгда келиб, бугун пул беради деган умидда яна навбат эгаллашади.

“Озодлик” радиосига номаълум қолиш шарти билан маълумот берган “Ўзбекистон почтаси”нинг Хоразм бўлимидаги манбанинг айтишича, нафақа берилишининг кечиктирилиши сабаби сифатида давлат ғазнасида нақд пул етишмовчилиги деб айтилмоқда. “Ҳозирда банкларга ажратилган пул миқдори 30 фоиз нафақа тўловини қоплашга етади халос. Шу сабабли биз нафақа пулини фақатгина бошқа фойда оладиган манбаси йўқларга бераяпмиз, қолганлардан эса кутишларини сўраяпмиз”, — дея аниқлик киритди манба.

Нафақага навбатда турган аёллардан бири ўзининг иккинчи гуруҳ ногиронлигини айтиб, шундай дейди, “эрталабдан кечгача пул беришларини кутаман. Мен-ку ёшман, лекин 50-70 ёшдаги аёл ва эркаклар шундай жазирамада навбат кутиб, кўзларида ёш билан дори-дармонларига лозим пулни ёлвориб сўрашмоқда”.

Ноиложликдан кўплаб одамлар ҳуқуқ ҳимоячиларига мурожаат қилишмоқда. Хоразмдаги “Нажот” ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти бошлиғи Хаитбой Ёқубовнинг сўзларига кўра, унинг ташкилотига нафақа тўловлари тўланмаганлиги борасида жуда кўплаб нафақахўрлар ўз шикоятлари билан мурожаат қилишган. “Бу ҳақиқатдан ҳам нақд пул йўқлиги билан боғлиқ, тизимли муаммо, шу сабабдан банклар почта бўлимларига нафақа ва бошқа

ижтимоий маблағларни етказиб бера олишмаяпти. Бу ҳолат бутун вилоят бўйлаб кузатилмоқда. Фақат нафақа ҳисобига кун кўрадиганлар учун бу қийин ҳолат”, — дея шикоят қилади Ёқубов.

Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ҳаракати гуруҳи бошлиғи Сурат Икромовнинг хабар беришича, уларга ёрдам сўраб Тошкентнинг кўплаб туманларидан мурожаат қилишмоқда: “Менинг ўзим нафақа пуллари тўланмаётганлигининг гувоҳиман. Почта бўлимларида фақатгина бир-икки кишига нафақа бериб, қолганларга, “Нақд пул тугади, кетинглар, кутманглар”, дейишмоқда. Ахир бу инсонларнинг кўпи дори-дармонга муҳтож”.

Ўз ўрнида республикада кескин нақд пул етишмовчилиги муаммоси мавжудлигини, Марказий банк раҳбарининг биринчи ўринбосари томонидан Ўзбекистон бош вазирга йўлланган хат ҳам тасдиқлаб турибди, унда мамлакатда аҳолига ойлик маош, нафақа ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун кескин нақд пул танқислиги кузатилаётганлиги ҳақида айтилган. 2015 йилнинг биринчи чорагига мўлжалланган 10.9 трлн сўм миқдоридаги маблағдан банкларга 1.5 трлн сўм еитшмай қолган. 2015 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра банклар 58.2 млрд сўм миқдоридаги нафақа пулларини тўлай олишмаган.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йил президент Каримовнинг таклифи билан “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинган. Кексалар эътибор ва ғамхўрликни йилнинг биринчи куниданоқ ҳис қилиб келишмоқда: нафақа тўловлари кечикаётганлиги ҳақидаги хабарлар январ ойи бошидан кела бошлаган.

УХХ хабарлар бўлими

«Шаҳарлик»ка икки оғиз сўз...

АҚШнинг қисқа вақт ичида буюк даражага етишида асосий рол ўйнаган бир муҳим нарса бу — мамалакатда миллатчилик ёки маҳаллийчилик кенг миқёсда бартараф этилганидир.

Америкада кўп ҳолларда биринчи ўринда одамнинг қаерда туғилганига эмас, балки қўлидан нима иш келишига қараб муомала қилинади.

Кўшма Штатларда ҳам ўзига яраша муаммолари кўп. Лекин, айти шу масалада Америка бошқаларга ўрناк бўла олади.

Инсон туғилиш жойини ўзи танламайди.

Бу — унинг тақдири.

Ўзбекистоннинг ривожига халақит бераётган иллатлардан бири — одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати бўлса ажабмас.

Энг катта иллат — таниш-билишчилик ва маҳаллийчилик.

Интернетда қайси мавзуда бахс бўлишидан қатъий назар, турли фикр эгалари кўп ҳолатларда мавзудан четлашиб, бир-бирларини сўқишга тушадилар.

Луғатларидаги энг кўп қўлланадиган ҳақоратли сўз — «ҳарип». Ўзини шаҳарлик билганлар тақдир тақозаси билан катта шаҳарда туғилиб қолишган, лекин қўлларидан ҳеч иш келмайди.

Шунинг учун, уларнинг фикрига қарши асосли аргумент келтирган шахсни «ҳарип» дейишдан бошқани билмайдилар.

Айтмоқчи бўлганим, халқ, элат ёки бир вилоят одамларининг ҳаммаси бирваракайига ёмон бўлмайди. Уларнинг бир вакили ёмон ва ё оми бўлиши мумкин.

Четдан келганлар орасида ўз ҳамшаҳари қилмаган яхшиликни қиладиган инсонлар кўп.

Қолаверса, шу «шаҳарликман» деб кўкрак керадиганлар учун яна бир гап: шу катта шаҳарингиз ҳам қачондир ташкил топган, унга сизнинг аждодларингиз қаерлардандир келиб ўрнашишган.

Шаҳсан мен ҳам ўзимни асл «шаҳарлик» деб биламан. Чунки, мен билган камида уч аждодим ҳозир биз яшаётган шаҳарда туғилишган.

Лекин, бу менга ўзимни бошқалардан устун қўйишга ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бундан ташқари, биринчи инсоннинг асл уйи жаннат бўлиб, у ердан бадарға қилинганини ҳисобга олсак, шаҳарлик ёки қишлоқлик бўлиш ҳеч қандай маъно касб этмаслиги аён бўлади.

Инсон ҳамма жойда ҳам қилган амали билан кадрланади. Мен бунда шаҳар ёки қишлоқни эмас, балки дунё-ю охиратни назарда тутяпман...

Бу гап инсонларни турли табақаларга ажратадиганларга ҳам

тааллуқли. Яъни, ўзларини хўжа, саид ёки эшонлар деб деб тақдим қилувчиларга...

Бу ерда ана шу «нуфуз»ларини пеш қилиб, дин буюрмаган ишларни қиладиганлар ҳақида сўз борапти.

Чунки, Ислолда ҳам ирқчилик ёки ўзини бошқалардан устун қўйиш, ўзини «оқ суяк»лардан дейиш қораланган.

Оллоҳнинг олдида барча инсон бирдек, фақатгина ўз амали билангина бошқалардан устун бўлиш мумкин.

Барча даврларда ҳам бўлгинчилик кайфияти ва ўзини бошқалардан баланд қўйиш (кибру ҳавога берилиш) инсоният юз тутган муаммоларга сабабчи бўлган ва ривожланишга тўсқинлик қилган.

Токи, маҳаллийчилик ва бир-бирларини туғилган жойларига қараб камситиш бор экан, ўзбекнинг бир буюк миллат, халқ, эл сифатида бирлашиши мушкул бўлиб қолаверади.

Манба: bbc.co.uk/uzbek

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Академик Аҳмадали Асқаровнинг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий ўйида яқинда нашр этилган «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» китоби ижтимоий тармоқларда баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Китобдаги «ўзбеклар этногенези туркий бўлмаган қавмлардан ташкил топгани» ҳақидаги тезис бу соҳани чуқур ўрганган олимларнинг алоҳида эътирозини уйғотди.

Профессор Гога Ҳидоятлов Аҳмадали Асқаровнинг «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» китобини «тарихни безбетларча сохталаштириш» деб атади.

Унга кўра, Марказий Осиёдаги бошқа халқлар каби «ўзбеклар туркий илдизга эга бўлган миллатдир».

«Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» китобига муҳаррирлик қилган тарихчи олим Ғайбулла Бобоёровнинг Озодликка айтишича, «670 бет ҳажмли ушбу китоб ўзбекларнинг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ривожланиш, этносиёсий ривожланиш, Темурийлар давридаги этник жараёнлар ва ўзбек тилининг шаклланиши» тадқиқотига бағишланган.

Монографияда ўзбек халқи ҳозирда яшаб келаётган ҳудуд билан қадим замонлардан бевосита боғлиқ туб ерлик халқ эканлиги, унинг этник таркибини прототурклар билан биргаликда асосан, ерли суғдий, хоразмий, бохтарий ва саклар ташкил этгани ва узок асрлар давомида уларнинг бир-бирлари билан аралашиб яшаши натижасида янги миллат – ўзбекларнинг пайдо бўлиши ҳақида иддаоли маълумотлар бор.

Муаллиф ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақидаги ўз қарашларини



«Ўзбеклар туркий эмас» деганлар туркий эмас

бронза ва темир даврига оид топилдиқ ва замонавий Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларга тегишли осори атиқалар, маданий топилмалар кўмағида исботлашга уринган.

Профессор, тарих фанлари доктори Гога Ҳидоятловнинг айтишича, Аҳмадали Асқаров «Ўзбеклар туркий илдизга эга эмас» деган ғайри-илмий ғояни 1994 йилда илк бор билдирган эди:

Ҳозир 1994 йил эмас, бунақа китоб учун конъюнктура ҳам, ижтимоий буюртмай ўққозир. Лекин 1994 йили «Ўзбекистон овози» газетасининг 20 январь сонидида босилган «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи» мақоласининг икки муаллифидан бири Аҳмадали Асқаров эди. (иккинчиси — марҳум Бўрибой Аҳмедов -тахр.) Мақолада Марказий Осиё халқлари: ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар асло турклар эмас, деган ғайриилмий ва мантиқсиз ҳулоса бор эди. Афсус бу сохта иддао энди китоб тарзига кўчибди. Совет турколог

олимлари ҳам аниқ-тиниқ қилиб ўзбекларнинг туркий эканлигини айтган эдику?! дейди суҳбатдош 1994 йилги мақолани эслаб.

Таниқли ўзбек шоири ва муҳолифат арбоби Муҳаммад Солиҳ 1994 йили Ўзбекистон ва Туркия ўртасига совуқлик тушган пайтда Ўзбекистон президенти «Ўзбекларнинг туркий халқ вакили эмас балки оригинал миллат экани ҳақида» телевизорга чиқиб гапирганини эслайди:

Ислол Каримов ўшанда нафақат тор доирада балки телевизор орқали ҳам ўзбеклар туркий эмас, деган ғояни турли тарзда ўртага қўйди. Ана шундан кейин «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи» деган лаганбардорлик руҳида ёзилган бир мақола эълон қилинди. Муҳаққақ Ўзбекистон раҳбарияти кўрсатмаси билан ёзилган бу мақола муаллифлари «оғалар, кўркманг, Туркистон халқлари ҳеч қачон бирлашмайди, биз ўзбеклармиз,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қозоқлармиз, туркманлармиз ва асло турклар эмасмиз”, дея илтижо қиладилар, дейди суҳбатдош.

Каримовнинг чиқиши ва ундан кейин пайдо бўлган мақола чоп этилганидан 10 йил ўтиб — 2004 йили Озодлик билан суҳбатлашган тарихчи олим Абдуқодир Зоҳидий Каримов яраган «ижтимоий буюртма»- дан кейин дарсликлар ҳам таҳрир қилинганини айтган эди:

“Етакчи ҳисобланадиган тарихчиларимиз яратган ўзбек халқи миллий давлатчилиги концепцияси марҳум академик Бобожон Ғофуровнинг “Тоҷикон” китобидаги концепциянинг айнан такроридир. Яъни ўзбеклар туркий халқ эмас, эрон тилли халқ, деган концепция дарсликларга зимдан сингдирилган. Концепцияда эрон тилли ўзбеклар, дейилмайди, лекин унинг мағзидан ўзбеклар туркий эмас, эрон тилли экани англашилади”, деган эди А.Зоҳидий.

Озодлик билан бугун суҳбатлашган Гога Ҳидояттовга кўра, академик Асқаровнинг китобида илгари сурилган

иддаоларга ва умуман бу китобга тарихчилар ўз муносабатини билдиришлари зарур.

Ўзбекистонлик тарихчи Шухрат Барлос Озодлик билан суҳбатда бу китобга салбий муносабат билдирди:

Муаллиф ўзбек этносининг туркийлигини шубҳа остига олган. Ўзбекнинг этногенези асоси туркийликдир. Асқаров генезис масаласини нотўғри талқин қилмоқда. Аҳмадали Асқаров бу китобда ўзбеклар четдан келиб форсларнинг маданиятини олган, деган концепцияни қоғозга ўраб берапти.

Ўзбеклар генетик томондан чапишган ва туркий унсури кам деган концепцияни муаллиф ўз китобида қоғозга ўраган ҳолда ўртага ташлаган.

Тарихчи Шухрат Барлоснинг айтишича, асл касби археолог бўлган Асқаров ўз соҳаси бўлмаган генезис масаласига ноилмий ёндошиб чалкаш иддаони илгари сурган:

Фақат археологик тадқиқотлар билангина миллат ёки тил аниқланмайди. Турклик бу антропологик ёки этнопсихологик бир унсур эмас. Турклик бу ғоявий унсурдир.

Муаллиф археология билан миллий унсури ва миллий генезисни юзга чиққанини аниқламоқчи. Бу эса нотўғри. Асқаров форсийзабон Скиф, Сак ва Массaget қавмлари ичида эдик, демоқчи. Муаллиф 2-3 минг йил олдинги Скиф, Сак ва Массaget қавмлари билан гаплашиб кўрибдими ёки уларнинг тилига оид бир ёзув топилибдими? дея савол кўяди тарихчи.

Профессор Гога Ҳидояттов турколог олимлар ҳамда инглиз манбалари асосида ёзган “Турк цивилизацияси” китобида ўзбекларнинг туркий илдизларини аниқ фактлар билан ёзганлигини таъкидлайди:

Тарих бу илм, албатта Аҳмадали Асқаров бир инсон сифатида, бир фуқаро ўлароқ ўз фикрини изҳор қилиши мумкин, аммо бу фикр битта одамнинг ноилмий шахсий фикри бўлиб қолаверади. Аҳмадали Асқаров китобининг тарих илмига ва тарихий ҳақиқатга алоқаси йўқ, дейди суҳбатдош.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти олимлари Аҳмадали Асқаровнинг китоби ҳақида Озодликка изоҳ бермади.

Манба: ozodlik

“Озодлик” радиосининг эшиттириши муаллифларидан бири Сарвар Усмон шу йилнинг 25 май куни халқ таълимидаги ислоҳатлар хусусида ватан ичидаги мустақил журналист сифатида мени суҳбатга таклиф қилган эди.

Гапнинг очиғи, ҳамкасбларга интервью беришни унчалик ҳам хушлайвермайман. Негаки, журналист сифатида билган ҳақиқатим шуки, савол беришдан осони йўқ. Бироқ, саволга мантиқли, жўяли жавоб бериш... жудаям мураккаб юмуш... Айниқса, кутилмаганда оғзинга микрофон тутиб, хаёлинга келмаган саволга жавоб талаб қилишгудек бўлишса... Ҳар қандай оқил одамниям шошириб қўйиши аниқ...

Шунинг учун ҳам рости, интервью беришдан ҳайиқаман.

Бироқ, бу гал мавзу бевосита халқ таълими соҳасидаги ислоҳатларга қаратилганлиги боис ҳам гапиргим келди.

Аслида, коллеж, лицей деган ўқитиш системасини ким, қай мақсадда ўйлаб топганини билмадим, бироқ, эзгу мақсадда жорий этилган бу таълим системаси, комил ишонч билан айтишим мумкинки, самара бермади.

Содда ва лўнда қилиб айтганда,



“Озодлик”нинг кўпчиликка кўмаги тегди...

коллеж, лицейлар, менинг назаримда, гуё ишизликни келтириб чиқаришга қаратилгандек.

Мана, масалан, узоқ вилоят туманларини олайлик. У ерда қад кўтарган коллеж, лицейларда туман миқёсида ас қотади деб ҳиобланган касб-хунарга йўналтирилган гуруҳлар очилади: масалан, тракторчилик, миханик, дуродгорлик, ҳамширалик, бухгалтерия — ҳисоб-китоб...

Мазкур гуруҳларни ҳар йили юзлаб ўқувчилар тамомлаб чиқишади. Бу яхши. Кейинчи, қўлига гувоҳномсини олган бу

ўқувчилар кейин нима қилишади?

Битта туманда бор йўғи биттагина бирлашган тиббиёт муассасаси мавжуд. Қишлоқ врачлик пункитлари ҳам саноқли. Шундай экан битта туманга нечита тиббиёт ҳамшираси керак бўлиши мумкин? 50 тами, 100 тами? Яхши, бир йилда ҳамширалик курсини тамомлаган юз нафар ўқувчи иш билан таъминланди, аъло ҳам дейлик. Бироқ, кейинги йилда ҳам битирув навбатини кутиб турган яна юз нафар ҳамшираларнинг тақдири нима кечади? Уларни қаерга сафарбар этамиз?

Тўғри, қизбола учун ҳамшираликнинг зарари йўқ. Жуда бўлмаганида оиласига, ўз фарзандлари соғлиғига поспон бўлишлари мумкин.

Аммо ҳар йили тракторчилик курсини тамомлаётган тракторчи йигитларга ачинасан киши. Негаки, айна дамда туманлардаги трактор парклари аллақачонлар талон-тарож этиб бўлинган. Тўкилиб турган тўрттагина трактор борида бор, йўғида у ҳам йўқ. Шундайин бир шароитда миханиклар нима қилишади? Қай бир техникани таъмирлашади? Тракторчилар қайси “тулпор” рулига эга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

чиқишади?

Бу ишсизликни келтириб чиқариш бўлмасдан нима сизнингча? Бунисига зўр-баъзур кўз юмгудек бўлсанг, бу коллеж, лицей деганлари ишсизлик билан бирга порахўрликни ҳам болалатмоқда.

Йўқ, мен кириш имтиҳонларидаги "узат-узат"ларни назарда тутмаяпман. Ҳозир порахўрликнинг янги ва янгилари урчиб бормоқда.

Мана, масалан, ҳар бир коллеж ва лицей раҳбариятидан ҳар бир битирувчини иш билан таъминланганлигини тасдиқловчи имзоланган шартнома тақдим этишлари талаб қилинмоқда. Қани, тепадагиларга "Йўқ" деб ҳам кўрингчи?! Ҳаммаси Хўжамкўрсинга! Коллеж маъмурияти эса ўз навбатида бу масъулиятни битирувчи ўқувчиларнинг зиммаларига юклаб қуя қолади.

Нима эмиш?: Ҳар бир ўқувчи ўзи таҳсил олаётган коллеж ва ё лицей директори билан "Иш берувчи" ўртасидаги сохта шартномани имзолатиши шарт эмиш. "Битирувчи фалончаев фалончини иш билан таъминланишини корхонамиз кафолатлайди" деган мазмунда сохта шартнома имзоланмайдиган бўлса, ўқувчи босимлар остида қолади. Имтиҳонларда "ўйинлар" бошланади. Битирув гувоҳномасини бермасликларини айтиб қўрқитишади... Шу боис ҳам ота-оналар азборойи болаларининг хотиржамлиги учун "Оч қорним, тинч қулоғим" қабилида иш тутишади... Тўрт-беш сўм жамғармаларини чангаллаганча яланг оёқ бўлиб олиб, "Иш берувчини", "Шартномани имзолашга қодир корхона раҳбарини" қидириб қолишади...

Сохта шартнома имзолангач, кошки битирувчи ўша корхонада "илдиз отиб, палак ёзиб" кетса! Қайда. Ишлатишмайди. Негаки, у ерда бўш ўриннинг ўзи йўқ. Аммо биз ўзбеклар ўлимдан бошқа ҳамма нарсаининг имконини топамиз: ўқувчи ўқув даргоҳини тугатгач, сохта шартнома тузган ташкилотнинг кадрлар бўлимидагилар "Фалончаева фалон лавозимга ишга олинди" деган мазмунда сохта битта буйруқ чиқаради ва меҳнат дафтарчасига тиркаб қўйишади. Узоғи билан бир, икки ойга холос... Кейинчалик эса, ўзоро келишув асосида, "Фалончаева ўз аризасига асосан ишдан бўшатилади" деган буйруқ ҳам пайдо бўлади. Уртада коллеж директорининг ҳам ишлари беш – ўз битирувчиларини "100 фоиз иш билан таъминлаб қўйган шаввот!", корхона раҳбарининг ҳам ошиғи олчи – тўрт танга тушими – таъмаси бор! Гарчи пора тикиштирган бўлса

ҳам, битирувчи ўқувчининг ҳам битта ташвиши ариган, ғавғолардан қутилиб қолган...

Аммо бу ерда биргина жабирдийда бор: ота-она! Оддий халқ.

Икки ойдан ошди қизимга ҳам академик лицей директори томондан имзоланган шартнома берилганди. Одатга кўра, мен ҳам мазкур сохта шартномани имзолловчи корхона топиш учун зир югуришим шарт эди. Мен ундай қилмадим. Узи шусиз ҳам жимиятдаги қаллобликлар тинкамни қуритиб юборган. Энди ўзим ҳам адоғсиз кўзбўямачиликларга ҳисса қушишим керакми? Ҳечамда!... Шу каби ўйларим билан олишиб ўтирганимда "Озодлик" журналисти худди дилимдаги гапларни ўққандек "Халқ таълимидаги ислохотлар сизнингча самара бермоқдами?"

дея сўраб қолса бўладими?


Халқимизда "Азага борган ўз дардини айтиб йиғлайди" деган гап бор. Мен энг аввало онаман. Балки шу сабабми, журналистлик ҳам хаёлдан фаромуш бўлиб, таълим билан боғлиқ юқоридаги қалбакилигу кўзбўямачиликларни тўкиб солгандим.

Бугун, 2015 йилнинг 27 май куни қизим ўзи ўқиётган Академик лицейидан хушxabар топиб келиб қолди.

Унинг айтишича, бугунги ўқиш жараёнида лицей маъмурияти қизим ўқиётган гуруҳда бўлишган ва "Қай бирингиз то шу чоққача икки томонлама шартномани имзолата олмагансиз?" деган саволни ўртага ташлаган. Улгура олмаган ўқувчилар қўл кўтаришган. Улар сони 12 нафарга яқин экан. Шунда лицей раҳбарияти "Ҳамон имзолатмаган бўлсангиз, яхши қилибсиз. Бундан кейин ҳам имзолатаман дея овора бўлиб ўтирманг. Аслида, сизларга бу каби топшириқ берилишининг ўзи бошдан хато бўлган. Негаки, лицейларда бунингдек шартномалар имзоланиши талаб этилмайди, шарт эмас. Бугундан бошлаб ўқиш ва имтиҳонлар ҳақида бош қотиринг" деган "добро" билан ўқувчиларни хушнуд этган.

Курсдошларим жудаям севиниб кетишди, қийқиритишди. Битта бошоғриқдан осон қўтилганликлари учун дўппиларини осмонга отишди. Менинг кўнглимдан "Курсдошларимнинг сохта шартнома имзолатиш азобидан қўтилиб қолишларига куни кеча "Озодлик" радиосида берилган эшиттириш сабаб бўлса керак" деган ўй ўтди, — деди қизим.

Эҳтимолдан ҳоли эмас, — дедим.



Дедиму, кўнглимда мен ҳам жуда севиндим. Сохта шартномани имзолатиш илинжида қай бир корхона раҳбари оёғига бош уриб борардим? "Озодлик" радиосининг эшиттириши сабаб шу азобдан қўтилганимга қувондим.

Кейинги пайтларда "Озодлик" радиоси фаолиятдан нолийдиган ҳамюртларимиз кўпайиб қолган. Бироқ, истайсизми, йўқми, "Озодлик" радиосининг мамлакат ичиде ўз обриси, ўз ўрни, мавқеи бор. Буни кимлардир тан олишни истамаслиги мумкин, бироқ бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Матбуот эркинлиги Ўзбекистонда яна бир бор ўз кучини кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, "Озодлик" ўзининг бир эшиттириши орқали бутун бир бошли лицей ўқувчиларининг (балки Ўзбекистондаги жамики коллеж ва лицей битирувчиларининг) мушкулларини осон қилди. Бу билан содир этилажак қанчадан-қанча порахўрликларнинг олди олинди, ота-оналарнинг саргардонлигига чек қўйилди.

Халқимизда "Яхшига қилсанг яхшилик, ҳам айтадур, ҳам қайтадур, ёмонга қилсанг яхшилик, на айтадур, на қайтадур" деган нақл бор. Ўз навбатида мен ўз номимдан, қизимнинг номидан, у таҳсил олаётган академик лицей битирувчилари номидан "Озодлик" радиоси журналистларига ўз миннаддорчилигимни билдирсам дегандим.

Ҳамкасбларимиз "қалам кучи атомдан ҳам қудратли" эканлигини ўз фаолиятлари давомида исботлашдан ҳечам толиқишмасин.

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Шароф Рашид сўзи:
“Кўллари кон каслар Эл, Юрт,
Эрк учун курашган кишиларни
ўлдиришган”.

Ўлим кундалари тиғи билан...
КГБ архивини очинг. Ҳаммаси
ойдин бўлади. Ялоқлар:
СССР ўлиги устида йиғлаб
ўтиришибди.

(‘Ёзилма – Ҳождатхона).

Келажаккв сабоқ бўлиши
учун ҳам, келажакда бу ҳол
қайтарилмаслиги учун ҳам КГБ
архиви очилиши, сотқинларнинг
асл башаралари элга
кўрсатилиши лозим. Ўзи, аслида,
Мустақилликнинг биринчи йилида
иш шундан бошланиши керак эди.
Шунда халқ том маънодаги ватан
хоинларини билиб олардилар.
Шунда халқ том маънода юрт
ботирларига – Чўлпон, Фитратларга
хайкал қўярдилар. Ғулом, Қаххор,
Аҳмадларга эмас.

Кўли конларга шафқат килишлик
нечун?

Илонларга раҳм этиб бўладими?

Шафқат қилинмаганда, Мурад
Гул га ўхшаш ўртабузарлар қанот
ёзармидилар? Ҳаром бойликдан
қутурармидилар? Барзанги ит билан
кўнгил хушлик қилармидилар?..

Йўқ.

Чорикларини судраб
юрардилар...

Сталиннинг ўлими ва кейин...

Ўғлим, бировларнинг гапини
бўлмай

Эшит. Тўғрими, нотўғрими,
юзига солма.

Кунгли оғримасин. Ичингда
қорадан оқни ажрат...

Бобомнинг отамга ўгити

Сталин қарғишдан ўлди!

Халқлар қарғишидан!

Миясига қуйилган қон оғу
бўлиб, оғзи-бурнидан чиқди.

Кечагина “дохий” нинг соясига
салом бериб, ялоғини ялаб юрган
каслар байрам қилишди.

Ўликка байрам.

Халқдан яширинча.

Вайрон этгувчи зилзиладан ер
титрагандек, машъум қувончдан
Кремл титради.

Жаллодлар: “Энди нима бўлади?”
деган ўй, ваҳима, талвасада
қонсираган тишлари билан
тилларини тишлашди, тўнғиз
тус манглайларини кашлашди.
Қалтираб.

Жаллодлар:

КГБ,
МВД,

Прокуратура,
Суд...
Жаллодлар:
“халқлар отаси” нинг:
Кўриқчилари,
Жосуслари,
Ёлланмалари,
Хуфялари,
Эгизаклари...
Афтода бир ҳолда...
Қанотлари синган қарғалар
мисол...
Сталиннинг ўлигига осилишди:

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-2

Душманлари эмас, ишонган
кишилари:

Ёнидагилар,

Етти букилганлар,

Думларини ликиллатганлар,

Кўкларга кўтариб мақтаганлар...

Шулардан энг ялтоғи Хрушчев
эди. Сталин ўлимидан энг севинган
ҳам у бўлади. Буни қаранг, одамни
билиб бўлмас экан-а! “Дохий”нинг
ишончига кириб олиб, уни
захарлади...

“Сталиннинг шахси”га
сиғинишда минг-минглаб кишилар:

Айбланди,

Қамалди,

Отилди.

Бу – кечган замон матбуотида
ёритилган.

Бу- КГБ архивларида чанг босиб
ётибди.

Мен фақат бир мисол
келтираман. “Дохий” нинг
ўлимидан суякни кўрган итдек
қувонган ким эди?

Берия!..

Манглайдан отилди.

Мия қатикларига қотилган ҳаром
қони атрофни булғади.

Эски ҳаммом, эски тоз

*Зўравонлик, охир бориб
зўриқтиради.*

Шекспир

Гуржи ўрисга ўлим машинасини
қолдирди. У 38 йил бузилмай
ишлади.

Қон эвазига...

Ғорот эвазига...

Сўнг тўнғиз кўпди.

Қарғишдан,

Кўз ёшдан,

Оху ноладан...

Хрушчев Сталин сиёсатини
давом эттирди. Брежнев ҳам.
Деярли ўзгаришсиз. Фақат Эрк
эшиги хиёл очилди. Фақат КГБ,
МВД жиловлари хиёл тортилди.
Оммавий – ахборот воситалари
ўзгаришсиз қолди. Ўша-ўша:



Олди- қочди гаплар,
Кўпик гаплар,
Тухмат гаплар,
ура-уралар...
Тонгдан-тунгача ўзларини
мақташади.

Тонгдан –тунгача Ғарбни
ёмонлашади.

Мақсад:

Халқни алдаш, қўйнини пуч
ёнғоққа тўлдириш...

Бунга халқ ишонадимми?

Ўзлари ишонмаган нарсага ким
ишонади?

Тентакми?

Итми?

Эшакми?

Ҳамду санаю бўҳтонлардан:

Ер бўқди,

Кўк бўқди.

Сталин порадан, кайф-сафодан,
айш-ишратдан ўзини тийган. Унинг
қизи- Светлана очлик ва хорликдан
ўлган...

Кейинги “дохийчалар”
(КПСС Марказий Кўмитаси Бош
Котиблари) эса пишқиргандан-
пишқириб яшадилар. Бунинг
устига “Сталин шахсига сиғиниш”
“топилма”сидан ҳам ўзларига
хулоса чиқариб олмадилар.
Мадҳдан шишиб, семириб
кетдилар.

Шекспир сўзи:

Ҳаддан ортик керилса,

Мақтовларга берилса

Омон топмас ҳеч одам...

Омон топмас шайтон ҳам!¹..

Хрушчевни ўз севимли
ялтоқлари оёғини осмондан
қилишди.

Брежневнинг тобутини ўз
ялоқлари зулматга ташлаб
юборишди.

Турк сўзи:

Ишонмагин дўстинга,

Самон тикар пўстинга.

СССР ўлимига – зулум асосига

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қурилган ёлғон сиёсат билан эл-юртни оёқ ости қилган раҳномалар сабабчи бўлишган. Яна ҳам ойдинроқ айтганда:

Тож-тахтга қора қуртдек ёпишиб олган,

Халқдан ажралиб қолган.

Ҳақиқатдан кўрққан,

Ўз сафосини ўйлаган,

Калласи пуч.

Кўли қон,

Бунинг устига, кўп ҳолда, манқуртлар—манқуртларқўлибилан йитилган. Адашганлигини, яъни, ҳалокатли йўлдан бораётганлигини англаб қолган кишилар шу “усул” билан олинган! Бу ҳақда қатқат ҳужжатлар мавжуд.

КГБ архивида. Ақл, онг, билимда етук Файзулла Хўжа бошда янглишган. Кейин ўзлик сари юз тутган. КГБ буни Сталинга шипшиган. Сталин Файзулла Хўжа'нинг ухлоқ Акмал Икром

КГБ архивида.

Сан-саноксиз ҳужжатлардан бир мисол:

“Саид Аҳмаднинг кўрсатмаси билан мени камоққа олишган”.

Шукрулло сўзи.

“Саид Аҳмаднинг гувоҳлик беришлари асосида Юсупов Шукрулло ҳибсга олинсин, уйи тинтув қилинсин”.

(Ҳибсга олишга КГБ ордери).

Шукрулло: “Қассобдан

чиққан жалоддан кўра, олимдан чиққан жаллод даҳшатли”, деб бежиз ёзмаган. Олим, ёзар, шоир, журналистлардан чиққан жаллодлар, яъни қалблари кишалланган манқуртлар том маънода халқ бошига тушган офат бўлган.” Улуғ оға” асосан шулар воситасида куйидаги ишларни амалга оширган:

Ватанимиз Озодлиги учун курашган (қанчадан-қанча) ботирларимизни ўлдирган.

Ёзувимизни Крилга ўзгартирган.

Тилимизни иккинчи даражага туширган.

Ўрис тилини – давлат тилига айлантирган.

Тарихимизни лойга қорган.

Ўзлимиз илдиригига болта урган.

Динимизни ер этган.

Ўрис тарихи, адабиёти, маданиятини пуфакдек пуфлаб шиширган.

Ўрис кадрларни бемаза қовун уруғидек кўпайтирган.

“Ўзбек-меҳнатдўст халқ”

мақтови билан шаҳарларни келгиндиларга тўлдирган.

“Оқ олтинни – олтин қўллар ярагади” шиори остида ўзбекни пахта қулига айлантирган...

Ҳожеа шундаки, буни ўзбек халқи номи билан қилган.

Манқуртларнинг шундай қабих ишларини кўра била туриб, уларга мурувват қилиш – қайғули хол. Ҳар қандай жиноят вақт-соати билан авф этилар. Бироқ хоинларни кечириб бўлмайд.

Ҳеч қачон!

Ҳеч замон!

Халқ кечирмайди!

Мустақил Ўзбекистон-чи?

Қонун – чи?..

Шукруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” китобидан.

Рауф Парфи Ўзтурск нидоси:

Она тилим, сен руҳимнинг қаноти

Абу Турк¹ нафаси, Олтой чечаги.

Хун давридан омон қолди Фиротинг,

(Давоми келгуси сонда)

Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-2

‘Омон топмас шайтон ҳам – Эврил турон сўзи

Эътиқодсиз раҳномалар...

Ўн бешта республика жиловчи шу раҳномалар илкида эди.

От мисоли. Айниқса, ўрта Осиё тизгинини қаттиқ тутишган.

Ер ости, усти бойлиги учун,

Кўрқишгани учун,

Кўлдан чиқармаслик учун.

Шу сабабли бошқаришнинг ибтидоий усулидан фойдаланишган. Туркистонни парчалашган. Бир туғишган турк уруғлари-ўзбек, қозоқ, қирғиз,

туркман, қорақалпоқларга алоҳида-алоҳида миллат номлари беришган.

Турклигидан айириш учун,

Турклигини унуттириш учун,

Бир – бирига ёвлаштириш учун...

Манқуртлар

Манқурт – ёв яроғи.

Чингиз оға сўзи

Манқурт – ўз боласини ейдиган

махлук.

Ўлжас оға сўзи

Ўзлигидан айрилган кимса – манқурт.

Одил оға сўзи

Ёвуз ниятли раҳномалар бўлақланган ва каллақланган Республикаларга ўриспарастларни бош қилиб қўйишган. Яъни:

Коммунистик ғояга сиғинувчиларни,

Салла ўрнига калла оловчиларни,

Эл – юрт бойлигини Москвага оқизувчиларни.

Қисқаси:

Манқуртларни.

Аммо, аслида уларга ҳам ишонишмаган. Шунинг учун ҳар бир манқуртнинг ўринбосари ўрис бўлган. Яъни:

КГБ айғокчиси.

Бунга ҳам қаноат қилишмаган.

Ҳар бир манқуртнинг орқасидан ўнлаб искович қўйишган. Яъни:

КГБ айғокчиларини.

қўли билан, яъни унинг ёлғон кўрсатмаси билан қаматган. Сўнг оттирган.

Кремл халқнинг уйғоқ қатламини ҳам шундай жирканч “йўл” билан йўқ қилган. Яъни ўзини-ўзига едирган. Эл тили билан айтганда, сопини ўзидан чиқарган. Жумладан: ёзар, олим, шоир, журналистларнинг ҳам...

1. 1982 йил қишида мен СССР Ёзувчилари Уюшмасининг Серафимович боғ уйида “Ўлмас қоялар” романининг қайта ишлаганман. Ушанда Шухрат, Радий Фиш (ёзувчилар) лар билан бирга Файзулла Хўжаевнинг иккинчи хотини (миллати озор, касби – хирург) – Фотима опанинг зиёрат этгани (Кўшни Санаторний шаҳарчасида, икки хонали уйда ёлғиз ўзи яшарди. Бола кўрмаган) борганмиз. Фотима опа ва Вилоят (Файзулла Хўжанинг қизи) 8 йил камоқда ўтиришган. Файзулла Хўжа ва Фотима опа камалишларидан олдин 6 ой Москвада яшаган. “Ана олади, мана олади” деган таҳлика билан. Ушанда, қамалишидан бир кун олдин Файзулла Хўжа юқорида қайд этганим-гапни Фотима опага айтган ва кўзидан ёш оққан.

2. 1998 йилнинг ёзида Бобир (ўғлимни) уйлантирганимда, тўйга КПСС Марказий Қўмитасининг собиқ котиби (Туркистон турклари ичида биринчи марта шундай улкан лавозимга эришган шахс) Нуриддин Акрамович Муҳиддинов ҳам ташриф буюрган. У камтар, хуш феъл, эҳтиёткор, йирик киши эди. Ушанда, дастурхон атрофида Нуриддин Акрамович гапдан-гап чиқиб шу сўзни бизга (Одил Ёкуб, Шукрулло, Рамз Бобожон, мен) айтган.

Юқорида қайд этганимдек, буни тасдиқловчи ҳужжатлар ёруғликни кутиб ётибди.

Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясида нима гаплар?

“Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади” деган гапни такрор-такрор эшитганингизга аминман.

ЎзМТРК таркиби ҳам ўйламай-нетмай кейинги қисқа фурсатда нақд 13 та телеканалга кўпайган ҳам эдики, ТВ сир-асрорларидан, журналистика илмидан мутлақо беҳабар бўлган бунингдек ўлкан жамоа раиси Алишер Жўрақулович Хаджаевнинг боши айланиб, гангиб қолди.

Шу боис бўлса керак, кейинги пайтларда бўлар-бўлмас

турса бўлгани! Шу боис ҳам тайёр курсатувларни кўриқдан ўтказувчи бош муҳаррирлар ҳам, ЎзМТРК курсатувларини назорат қилиш гуруҳи ҳам эфир маҳсулотларини гоҳ мудраб, гоҳида шахмат суриб кузатишади.

Ҳа, нима, “Ушовига қараб тушови-да!”.

Кўрсатувда “за кадрвий текст”ларни “повтор” кетиб қолишининг маъни-маслаҳатига етмайдиган, ва умуман, матн нима, курсатув нима, фаҳми олмайдиган

май куни соат 17.15 да эфирга узатилган қисми шу йилнинг 29 май куни эрталаб (режага кўра) 9.10 да такрорий намойиш этилди. Қизиғи, 29 май куни кечқурун соат 19.15 да мазкур сериалнинг янги қисми –давоми эфир юзини кўриши лозим эди. Бироқ, аксинча, бунинг ўрнига сериалнинг 28 май кунги қисми эфирга узатувчилар гуруҳи томонидан янглиш тарзда такрор ва такрор намойиш этилди.

Мазкур чалкашлик хусусида огоҳлантириш мақсадида шу

телеканалларнинг раҳбарлари Хаджаев жанобларининг ўқувсизлиги боис хўрозқанд сўриб ўтиришибди.

Каналларда, кўпол қилиб айтганда, “Ит эгасини танймайди.”. Ходимларнинг ўзлари хон, кўланкалари майдон.

Мана, масалан, шу йилнинг 28 май куни эрталаб, маҳаллий вақт билан соат 9.00 лар атрофида ЎзМТРК таркибига қарашли “Тошкент”



заҳотиёқ “Тошкент” телеканалининг эфирга узатувчилар гуруҳига – 2141653- рақамига сим қокдим.

Иигитлар, сизлардан хатолик ўтмоқда. Сиз “Муҳаббат тантанаси” сериалининг куни кеча 17.15 да ва бугун эрталаб 9.10 да такрор-такрор намойиш этилган қисмини янглиш тарзда яна такрорий тарзда эфирга узатмоқдасиз. Саҳал

телеканалда эфирга узатилган рассом Умид Олимовга бағишланган лавҳада муаллиф тасвир ортидан мароқ ила “Изланувчан инсонга илм ҳам ўз эшиklarини бир-бир очади” дея “донолик” қилади.

Аслида, матн мазмунини “охори тўкилиб кетган” бўлса-да яроқсиз деб бўлмайди-ю, бироқ бунингдек “жаҳоншумул ташбеҳ” лавҳа “ижодкор”ининг таъбига кўп ва хўп ўтирган чамаси, рассом Умид Олимов интервьюси олдиан ўқиган кадр орти матнини муаллифимиз ҳис-ҳаяжон ила суҳбатдан сўнг ҳам айнан такрорлашни лозим деб топади. Бунингдек такрорий беъманиликлардан энсаси қотган “Маҳалла” канали муҳаррирларидан бири “Улсин агар бор-йўғи 4-5 дақиқали қисқа ҳажмли лавҳада “Изланувчан инсонга илм ҳам ўз эшиklarини бир-бир очади” дея ҳориж сақичи каби беармон чайналган жумлаларни танаси титроққа тушиб, вужуди сел бўлиб такрор-такрор ўқиш, ҳаяжонланиш мумкин бўлса?!” дейди ҳайронлик ва ҳайрат ила.

Бу борада эса шу соҳадан озми-кўпми хабари бор киши сифатида фикримиз саҳал ўзгача: Каналлар мўл, эфир вақти бисёр. Бироқ кадрлар етарли эмас. Бюжетдан ходимларга тўланажак қолган ҳақининг ҳам тағи кўриниб қолган назаримизда. Муддао, бир амаллаб эфир вақтини тўлдириш. Мазмунли тўлдириш бош муаммо эмас. Мўҳими, кундалик эфир тўлиб

ЎзМТРК радиси Алишер Хаджаев киму, унинг қўл остидаги кадрлари қанақа бўларди?

Бир сўз билан айтганда, ЎзМТРК каналларида куноро хато устига хато кетгани-кетган.

Узи шусиз ҳам ЎзМТРК каналлари сийқаси чиқиб кетган саёз ва сохта севги ҳақидаги олди-қочди ҳорижий сериаллар билан Ўзбекистон аҳолисининг ишсизликдан бўш қолаётган қимматли вақтини банд этишга, умрларини бесамар ўтказишга қаратилган.

Дейлик, сериал ишқибози истаса, кун бўйи, 24 соат давомида сериал кўриб, умр ўтказиши мумкин бўлади: марҳамат!

“Муҳаббат тантанаси”, “Уч атиргул”, “Қалбим чечаги”, “Сенга ошиқман”, “Ошинга қошиқман”... ваҳоқозо.... номини ҳам эслаб қолиш мушкул бўлган одамларимизни авровчи “аллалар”.

Камига, ЎзМТРКдаги лўттибозларнинг томошабин вақтига заррача юраги ачишмайди ҳам. Телба-тескари сериалларини такрор-такрор беришганлари-беришган.

Бир мисол: “Муҳаббат тантанаси” деган бир сериал бор. Ҳар куни маҳаллий вақт билан 19.15 да “оргинал”и, эртасига соат 9.10 да айнан ўша қисмининг “повтор”и намойиш этилади.

Бироқ, давомийлиги тахминан (рекламалари билан) бир соатнинг нари-берисида бўлган “Муҳаббат тантанаси” сериалининг 28

хушёр бўлинглар. Одамларнинг бесамар ўтаётган вақтига ачинмайсизми? Ҳозир реклама дақиқасидан фойдаланиб, сериалнинг оргинал қисмига алмаштириб қўйинглар, — дея огоҳлантиргандим, гўшакни кўтарган ходим:

Биз эмас, сиз адашган кўринасиз. Барча сериаллар бошида ўтган қисми қисқа тарзда такрорий намойиш этилади. Сабрли бўлинг, давомини кўринг, — дея кулгуга олди.

Атай давомини кузатдим. Мен ҳақ эдим. Сериал такрор намойиш этилаётган эди. Ҳа, яна бир гап: ЎзМТРК каналларида янги сўзлар ихтирочилиги пайдо бўлган кўринади. У ердаги ҳамкасбларимиз “Дайди” сўзини “Тайди”, “Бобо”ни “Ваб” деб ёзайверишади.... Бунингдек чалкашликлар улар учун одатий ҳол....

Кўрсатувлардаги, матнлару, эфирга узатишлардаги бунингдек саводсизликнинг туб илдизи нимада, биласизми?

Бизнингча, бунинг бош иллоти ЎзМТРК раисининг кичкини одам эмаслигида. ЎзМТРК раҳбари Алишер Жўрақулович кимсан физика-математика фанлари номзоди. Ва умуман, математик ижод аҳли орасида нима қилиб юрибди? Ижод оламининг кўчасига бир бор боқмаган, лоақал икки жумла бадий матн тузмаган физика фанлари мутахассиси

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

журналистларга қандай қилиб бошқош бўлиши мумкин? Ундан кўра... модомики, Хаджаев жанобларига амал бериш режада бор экан, физика-математика фанлари номзоди бўлган Алишер акаизга Молия институтининг ректорлик амали инъом этилса бўлмасмиди? Ҳайронсан киши?....

Ҳа, масала моҳиятини энди англагандек бўлди: Телеведениеда нима муҳим: дақиқа, секунд, соат муҳим! Ҳар дақиқа "реклама" тили билан айтганда – сармоя дегани. Назаримизда, оқил расмийларимиз физика-математика фанлари номзоди бўлган Алишер Хаджаевни Ўзбекистон телерадиокомпаниясига эфир дақиқаларини адашмай санаб ўтиришлиги учун раис этиб тайинлашган бўлишса ҳам ажаб эмас. Вақт масаласи математика билан, ҳисоб-китоб билан боғлиқ бўлмай, нима сизнингча?! Вақт ҳисоб-китоби учун математик мутахассис керакми? Албатта! Мантиқни қаранг-а?! Вожаб, яхшиямки, ТВ дақиқаларини ҳисоб-китоб қилишлик учун Алишер Жўрақулович ўз вақтида математика масалалари бўйича илмий иш ёқлаб қўйган эканлар, ақс ҳолда Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиссиз қолиб кетган бўлармиди?

Аслини олганда Алишер Жўрақулович "погонли"лардан чиққан кадрлардан. Алишер Хаджаев 2001-2002 йилларда – Ўзбекистон Президенти Девони Миллий Хавсизлик Кенгаши котиби ўринбосари лавозимида жаволн урган.

Аслида, Алишер Жўрақулович айнан МХХ тизимлари тучун туғилгандек! Қаду-қомат, салобату савлат ҳам шунга яраша! Улар УзМТРКда адашиб не қилиб юрибди, ҳайронсан. Ўзбекистонда шунақа: кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш сиёсати ҳам ўлда-жўлда.

Бунисиям майли-я, Алишер Хаджаев Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси курсисига 2005 йилнинг апрел ойларида ўтирганди. МХХдан чиққан аканинг УзМТРКдаги умргузорлигига ҳам 10 йил тўлиб бўлибди. Мабодо, Ислом Абдуғаниевч Ўзбекистон телерадиокомпанияси раислиги лавозимини Алишер Жўрақуловичга НИКОҲЛАБ БЕРМАГАН бўлса, яқин орада УзМТРК ўзининг чин манодаги мутахассисига, уста раҳбарига эга бўлади дея умид қилиб қоламиз.

Ушанда зора УзМТРК таркибидаги каналларда содир бўлаётган боқибегамликларга, ўзибўларчиликларга чек қўйилармиди?....

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Тошкент, Нукус ва Зарафшондаги валюта қора бозорларида сешанба куни қора ниқобли ва қуролланган ИИБ ходимлари иштирокида тезкор тadbир ўтказилган.

Манбаларнинг хабар беришича, ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланаётган шахсларни қўлга олиш бўйича тезкор тadbир прокуратуранинг Солиқ ҳамда валюта амалиётларига оид оид қонунчилик ижросини таъминлаш департаменти тарафидан ўтказилган.

Республика бўйлаб тезкор тadbир

Ўзбекистон «қора бозор»ларида рейдлар уюштирилди

Ҳуқуқ-тартибот органларидаги манба бирданига учта шаҳарда тезкор тadbир ўтказилганига эътибор қаратди:

-Билсангиз, куни-кеча тарқаган нақд валюта алмашмаслиги хабари "Қора бозор"ни жунбушга келтирди. Саросима бошланди. Бу ҳолатни бутун республика бўйлаб тартибга солиш вазифаси прокуратурага юкланди. Сешанба куни Тошкент, Нукус ва Зарафшонда облага бўлганини аниқ айта олман, чунки сводкани кўрдим. Айнан ўша куни бошқа шаҳарларда ҳам тезкор тadbир бўлганини тахминан айта олман, дейди Озодлик манбаси.

Сўхбатдошга кўра, Навоий вилояти прокуратураси Зарафшон шаҳар савдо маркази ҳудудидаги қора бозорни босган. Шунингдек Тошкентнинг Шайхонтохур туман Миллий банки биноси олдида қора бозор ташкил қилиб банкдан валюта олиб қимматига сотган гуруҳ ҳам қўлга олинган.

Ўзимизниқларга тегманг...

Нукус шаҳридаги манбалар ҳам сешанба куни шаҳар марказидаги валюта қора бозорларида "облага" бўлгани хабарини тасдиқлашди.

Нукус бозорида валюта олиб сотиш билан шуғулланадиган ва ўзини Мурод деб таништирган йигит Озодлик билан сўхбатда сешанба кунги "облага"ни тасвирлаб берди:

«Қора бозор бир ошиб, бир тушиб турди. Одамлар обменниклар ёпилармиш, нақд доллар таққиланади, деб гаплашиб турди. Кейин крупний доллар алмаштирадиган болалар тезда машинага чиқиб бозорни тарк қилди. Кейин бозорни ойналари қорайтирилган машиналар ўраб олди. Бир-икки одамни ушлаб олиб кетишди. Лекин асосий савдогарлар бундан хабардор бўлган шекилли,

облага пайтида зим-ғойиб бўлишди, дейди Озодлик манбаси.

Саросима манбаси Марказий банкми?

Хабарларга кўра Ўзбекистон Марказий банки жисмоний ва юридик шахслар учун валютани расмий курс бўйича айирбошлаш операцияларини вақтинча тўхтатиб қўйгани ортидан қора бозорда саросима бошланган.

Қора бозорлардаги облавалар бу саросимани кучайтирган бўлса-да, хуфя валюта айирбошлашга ихтисослашган бозорлар фаолияти давом этган. Таҳлилчиларга кўра, қора бозор ҳокимият доираларига яқин шахслар ва гуруҳлар учун

мўмай даромад манбаига айланган ва шу боис у дахлсиз қолаверади.

Айнан валюта қора бозоридаги асосий ўйинчиларни яхши билишини иддао қилган шахснинг таъкидича, бу бозорни узоқ йиллар «Алп Жамол» банк хўжайини, криминал авторитет Салим Абдувалиевнинг яқин одами саналган Муҳиддин Асомутдинов «ўйнатиб» келган. Аммо 2010 йилда Асомутдинов бизнеси тортиб олиниб, ўзи бедарак кетиши ортидан бу бозор эгаси ўзгарган. Озодликнинг норасмий манбаси иддаосича, ҳозирда бутун Ўзбекистон валюта қора бозорини Бош вазир Шавкат Мирзиёевга қариндош бўлган шахс бошқаради ва унинг атрофида ҳокимият тепасида ўтирган бошқа шахсларнинг ҳам яқинлари бор.


Ўзбекистоннинг ҳар бир алоҳида олинган бозоридаги норасмий валюта алмаштириш бизнесининг ўз эгаси бор. Бу эга тепадан пастга тармоқланиб кетган махсус тизим қоидалари бўйича маҳаллий банк раҳбарлари ҳамда солиқ, прокуратура ва ИИБ ходимлари кўмагида самарали ишлайди»

Қора бозор саррофлари қўлга тушган тақдирда қудратли акахонлар кўмагида яна бозордаги фаолиятига қайта олганига оид мисоллар бор. Утган ой Тошкентнинг Эски шаҳар мавзесидаги валюта олди-соттиси билан шуғулланувчи саррофларни яқшанба куни қора ниқоблилар босиб ўнга яқин сарроф машинага босиб олиб кетилган эди.

Аммо ўша куни кечга бориб, ички ишлар бўлимига олиб борилган саррофлар қўйиб юборилгани маълум бўлди. Тошкентдаги манбаларининг маълум қилишича, пайшанба куни саррофларнинг "қора бозор"даги фаолияти яна давом этган.

ЎХХ хабарлар бўлими

(Давоми: Боши олдинги сонда)



– Агар бунни қилсам, иймон этасизларми?, – деб сўради Расулulloҳ алайҳиссалом.

– Ҳа, иймон этамиз, – деди мушриклар.

Ой тўлин ой шаклида кўринган кеча Пайғамбаримиз алайҳиссалом мушрикларнинг истаган нарсасини кўрсатишни Аллоҳдан тилади.

Жаброил алайҳиссалом инди ва “Ё, Муҳаммад, Маккаликларга бу кеча мўъжизани сайр этишингиз мумкин, деб айтгин”, деди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломнинг деганини Маккаликларга етказди. Мушриклар ўн тўрт кунлик ойнаинг иккига бўлинганини кўришди. (Тобарий”Тафсир”, 27/85).

Аллоҳ Таоло ойнаинг ярмини Абу Кубайс, ярмини Куайқиён тоғи устида кўрсатди ва Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Эй Абу Салама бин Абдулад! Арком бин Абил Арком! Шоҳид бўлинглар”, дея мусулмонларга сасланди.

Лекин мушриклар “бу Абу Кабша ўғлининг сеҳридир. Муҳаммад сизни сеҳрлади!”, дедилар.

Баъзилари “Муҳаммад сизни сеҳрласа, бутун инсонларни ҳам сеҳрламайди-ку!”, дейишди.

Баъзилари “бошқа минтакалардан ҳам сўрангчи, агар улар ҳам бунни кўрган бўлса, кўрганингиз ҳақиқатдир. Кўрмаган бўлса, сеҳрдир”, дейишди.

Абу Жаҳл “бу сеҳр, атроф минтака аҳлидан сўранглар”, деди.

Сўрадилар.

Уларнинг ҳам кўргани маълум бўлди. Лекин мушриклар “бу сеҳрар” дея иймон этмадилар, мусулмон бўлишмади.

Аллоҳу Таоло “Қамар” сурасида

бу мўъжиза ҳақида шундай буюради: “Соати яқинлашди ва Ой (иккига) ёрилди (бўлинди). Улар (қачон-ки) бир оят, бир мўъжиза кўрсалар, юз ўгиришади ва бу “хар доимги сеҳр-ку”, дейишади. Улар (пайғамбарни) ёлғончи дедилар, ҳавоий нафсига эргашдилар. Ҳар бир иш (сўз) жойини топажакдир. Онт бўлсин-ки, уларга (ўтган кофирлар ҳақида) хабарлардан иборат шундай етук ҳикмат келди-ки, унда (куфрдан) тийилиш (ҳақида ибратлар) бор эди. Лекин уларга огоҳлантириш фойда бермас. У ҳолда сен ҳам улардан юз ўгир! У жарчи мислсиз бир нарсига (Қиёматга) чақирган Кун улар кўзлари куйига боккан ҳолда,

– Энг гўзал либосингни кий, Куръайшликларга хабар берамиз, – деди Абу Толиб ва биродарлари билан Масжидий Ҳарамга бордилар.

Хижрда Куръайшликларнинг катталари тўпланиб ўтиришарди. Улар Абу Толиб билан биродарларини кўриб, “булар азоб чекишдан чарчаб, таслим бўлишга келдилар”, деб ўйлашди.

Абу Толиб:

–Эй Куръайш, жамоати, ҳеч қачон ёлғон сўйламаган биродаримнинг ўғли менга хабар берди-ки, сизнинг ёзган саҳифангизга ёғоч курти мусаллот бўлибди, унда Аллоҳнинг исмидан бошқа бутун сўзларни йўқ қилган. Қани, ўша саҳифани

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (яқун)

худди ёйилган чигирткалар мисол, қабрларидан чиқиб келажаклар! Улар жарчига қараб чопаркан, кофирлар “бу оғир бир кундир”, деяжаклар!” (“Қамар”, 1- 8).

Мушрикларнинг Каъбага осган мусулмонларга қарши “аҳдлашуви”нинг ёғоч курти тарафидан ейлиши

Ҳошим ва Абдулмутталиб ўғиллари Шиибда мушриклар тарафидан 3 йил давомида қуршовда тутилгандан сўнгра Аллоҳ Таоло бу зулмнинг ҳужжати бўлган, мушрикларнинг Каъбага осиб қўйган “аҳдлашув” саҳифасига ёғоч куртини мусаллот қилди. Ёғоч курти бу саҳифадаги “Бисмика Аллоҳумма (сенинг исминг ила эй, Аллоҳ)” калимасидан бошқа бутун сўзларни еди. Бунни Аллоҳ Таоло Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ваҳий ила билдирди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу хусусда Абу Толибга:

– Эй амаки, менинг Роббим бўлган Аллоҳ Куръайшликларнинг саҳифасига ёғоч куртини мусаллат этди, – деди.

– Бунни сенга Роббинг хабар бердимми?, – деб сўради Абу Толиб.

– Ҳа, Роббим хабар берди, – деди Расулulloҳ алайҳиссалом.

– Валлоҳи, сенинг ёнинга ҳам, менинг ёнимга ҳам ҳеч ким кирмади, сенга ким хабар берди?, – деди Абу Толиб.

– Роббим хабар берди, эй, амаки, – деди Расулulloҳ алайҳиссалом.

– Мен шаҳодат этаман-ки, сен фақат тўғри гапирасан, – деди Абу Толиб.

Сўнгра:

келтиринг-чи! Агар унинг дегани тўғри чиқса, уни сизга биттамити тирик қолгунча таслим этмаймиз, сиз ҳам ёмон ниятингиздан воз кечасиз. Агар унинг айтган гапи тўғри чиқмаса, биродаримнинг ўғлини сизга топшираман. Сиз истасангиз ўлдиринг, истасангиз кўйиб юборинг, – деди.

– Қабул этдик! Сен бизга инсофли ёндошдинг, – дедилар.

Саҳифани келтириш учун тез одам жўнатдилар.

Мушриклар саҳифани келтирдилар. Абу Толиб уларга “ўқинглар”, деди.

Саҳифа очилганда, ҳамма уни Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтган ҳолда кўрди: саҳифада “Аллоҳ”дан бошқа бутун харфлар еб битирлганди.

Куръайш мушриклари мулзам бўлишди.

Улар “бу сеҳрдан бошқа нарсга эмас!”, дейишди. Ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломга ёмонликларини давом эттирдилар.

Шииб қуршовидан чиқиш

Нубувватнинг ўнинчи йили эди. Куръайш мушрикларининг Ҳошим ва Абдулмутталиб ўғилларига қарши ёзган “аҳдлашув”ини бекор қилиш учун Куръайшликлардан бир неча киши ҳаракат бошлади.

Ҳишом бин Амр Нодла бин Ҳишом бин Абдуманнофнинг она бир ота бошқа биродари эди. У ўз қавми ичида обрўли эди. Ҳишом бин Амр Зухайр бин Абу Умайянинг олдига борди. (Зухайрнинг онаси Отика хотун Абдулмутталибнинг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қизи эди) ва:

– Эй Зухайр, тоғаларинг бирор нарса сотишдан, олишдан, уйланишдан, уйлантиришдан маҳрум этилганда, йўқсиллик ичида чирпинганда, сен еганинг олдингда, емаганинг орқангда яшашга кўнглинг қандай рози бўлади? – деди Абу Умаййага.

– Мен битта одамман, кўлимдан нима ҳам келарди, валлоҳи, ёнимда иккинчи бир одам бўлса, у аҳдлашув саҳифасини бузардим! – деди Зухайр.

– Сенга иккинчи одамни топдим, – деди Ҳишом.

– Ким у?, – деб сўради Зухайр.

– Мен, – деди Ҳишом бин Амр.

– Сен бизга учинчи бир киши топ, – деди Зухайр.

Ҳишом бин Амр шу услубда беш киши тўплади. Ҳаммаси бирга Куръайш мушрикларининг мажлисига бордилар.

Зухайр бин Абу Умаййа уларга:

– Эй Маккаликлар, бизлар истаганимизни еб-ичайлик, кийиниб-ясанайлик, Ҳошим ва Абдулмутталиб ўғилларини бу неъматлардан маҳрум қилсак, бу бизга ярашадими? Валлоҳи, шу золим саҳифа йиртилмагунча, мен бу ерда ўтирмайман! – деди.

– Валлоҳи, сен ёлгон сўйлаяпсан, у саҳифа йиртилиши мумкин эмас! – деди Абу Жаҳл.

Шунда бу саҳифага қарши ҳаракат бошлаган беш киши бирин-кетин ўрнидан туриб, “аҳдлашув”ни бекор қилинишини талаб этдилар. Ўша беш кишидан бири Мутъим бин Адий Каъбада осифлик турган саҳифани олиб йиртар экан, унда “бисмика-аллоҳумма” сўзларидан бошқа бутун сўзларни ёғоч қурти еб қўганини кўрди.

Сўнгра Адий бин Қайс, Затъо бин Асвад, Абул Бехтарий ва Зухайр бин Умаййалар қуролландилар ва Ҳошим ва Абдулмутталиб ўғилларини Шиибдан олиб чиқиб, уйларига қайтардилар.

Куръайш мушрикларининг қўлтиғидан тарвузи тушди.

Улар Ҳошим ўғилларининг Пайғамбаримиз алайҳиссаломни сўнгига қадар химоя қилажакларига ишондилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва жамоати Шиибдан чиқиб, халқ орасига кирди.

**Мухаммад Солих тайёрлаб,
2009 йилда Истанбулда нашр
этилган «Пайғамбарлар Тарихи»
китобидан.**

Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга қизиқиши асосида нималар ётади?

Ўзбекистон президенти Каримовнинг Корея республикасига расмий ташрифи кутилмоқда.

Корея республикаси президентининг матбуот хизмати сафар 27 май куни бошланишини маълум қилган.

Матбуот хизматининг таъкидлашича, «Бу сафарги ташриф давомида иккала мамлакат учун ҳам манфаатли бўлган бир қатор масалалар кўриб чиқилади».

Ташрифнинг расмий дастури бошланишидан аввал эса, Сеулда икки мамлакат иқтисодиёт раҳбарлари ва 200 нафарга яқин йирик тадбиркорлар иштирокида бизнес форуми бўлиб ўтди.

Ушбу бизнес форумида иккала мамлакатнинг келажак иқтисодий режалари, биргаликда олиб борилиши мўлжалланаётган лойиҳалар, кимё, транспорт, логистика йўналишларида ҳамкорликни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Бизнес форумда Ўзбекистонда кимё заводи қурилишига оид 5 та лойиҳа келишиб олинди ва икки томонлама англашув битими имзоланди.

Корея Республикаси саноат вазирлиги хабарига кўра, ушбу бизнес форумида нафақат газ, нефт ва кимё саноатига оид ҳамкорлик, балки дори-дармон, озиқ-овқат ва электроника соҳасидаги келишувлар ҳам муҳокама қилинди.

Бизнес форумида қатнашган Корея Республикаси иқтисодиёт, режалаштириш ва молия вазири Чой Кёнг Хваннинг айтишича, «Овроосиёнинг юраги бўлган Ўзбекистон бизнинг энг муҳим ҳамкоримиз ва дўстимиздир».

Биз ушбу учрашувлар орқали иккала мамлакат тадбиркорларининг эркин ва ҳеч қандай қийинчиликларсиз фаолият юритишларига эришиш истагидамиз».

Ўзбекистон ва Корея республикаси ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилган 1992 йилдан буён корейс томони Ўзбекистон иқтисодига 2 миллиард доллардан ортик сармоя киритган.

Дастлабки йиллари Корея томони Ўзбекистоннинг автомобилсозлик саноатига сармоя киритган бўлса, 2000 йиллардан сўнг энергетика ва логистика соҳаларига қизиқиш билдира бошлади.

Ўзбекистон Шўролар Иттифоқи қулаши ортидан ўз иқтисодини қайта йўлга қўйиш илинжида йиллар мобайнида хорижий сармояларга кўз тикиб келаётгани

маълум.

Лекин иқтисод соҳасида асл ислохотларнинг ўтказилмагани, бизнес юритиш соҳасидаги беқарор вазият, валюта эркин конвертацияси йўқлиги туфайли хорижий сармоядорлар кўпда Ўзбекистонга қизиқиш билдирмайдилар.

Бироқ, шунга қарамай, Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга қизиқиши асосида нималар ётади?

Таҳлилчиларга кўра, Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга қизиқиши асосан ҳеч қандай энергетик заҳираларига эга бўлмаганлиги туфайлидир ва Жанубий Корея Ўзбекистоннинг газ ва нефт манбаларига кўз тиккан.

Салкам бир йил аввал — 2014 йил июн ойида Корея президенти Парк Кин Хе Ўзбекистонга ташриф буюриб, газ ва энергетика соҳасига оид битимларни имзолагач, Устюрт ва Сургиял ҳудудларида корейс газ корпорациясининг ишлари анча жадаллашди.

Ўзбекистон иқтисодига энг кўп сармоя киритган давлатлар орасида Корея Россия ва Хитойдан кейинги поғонани эгаллаётди.

Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиё бозорларини эгаллаш учун энг қулай ҳудуд ҳисобланади.

Корея Ўзбекистонга ўз маҳсулотлари экспортини ҳам кўзлапти. Жумладан, шу мақсадда юк ташиш хизматлари бўйича ҳам битимлар тузилиши кутиляпти.

Корейс томони ўзбек пахтадан ҳам ўта манфаатдор.

Йил бошида ўзбек пахта далаларида болалар меҳнатидан фойдаланишига қарши Сеулда кичик пикетлар уюштирилган бўлса-да, корейс томони ўзбек пахтаси импортига муҳтож.

Маълумотларга қараганда, корейс пули ҳисобланган — Воннинг 10.000 (ўн минглик) купюрасини тайёрлашда ўзбек пахтадан фойдаланилади.

Корея ОАВлари таъбирича, «Ўзбекистон Корея учун ҳали кашф қилинмаган бебаҳо маъданлар ва ўзлаштирилмаган имкониятлар мамлакатидир».

Айни вақтда ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари учун Жанубий Корея Россия ва Қозоғистондан сўнг учинчи мавқедаги манзилдир.

Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги орқали ҳатто Жанубий Кореяга меҳнат шартномалари бўйича ишга ёллаб юборувчи тизим ҳам ишга солинган.

Манба: bbc.co.uk

Сўзбоши

Бу мақола бундан 21 йил муқаддам, яъний, 1994 йилда ёзилган эди. Бу вақт ичида мақолада тилга олинган муаммо бартараф бўлгани йўқ, аксинча, янада чуқурлашди. Бугун Ўзбекистондаги аксилмиллий режим ҳатто Навойни ҳам “турк халқларининг шоири” деб аталишини истамайдиган даражага келди. Бу билан бизнинг бутун тарихимизга даҳл қилиб, уни йўқ қилишга, халқимизни келгинди бир унсур, Ўрта Осиёнинг бир неча минг йиллик маданий ва давлатчилик тарихига алоқаси бўлмаган бир тўда сифатида, кимлардир билан “қоришиб-чатишиб” кетган, насл ва насаби номаълум бир оломон сифатида тақдим этишга ҳаракат қилмоқдалар. “Биз турк эмас, фақат туркийзабонмиз”, деган иғво мана шу мақсадга қаратилгандир. Бугун “Самарқанд ва Бухорони ўзбеклар қурган, бу шаҳарлар ўзбек шаҳарлари” десангиз, кулгига қоласиз. Тожикларнинг: “сизлар бу ерга бор-йўғи 16 асрда кириб келдинглар, сизлар бир беватан кўчманчисизлар”, дейиши ҳамма томонида кўникиб, ўрганиб қолинган гапларга айланди. Юқорида номи зикр қилинган шаҳарларда ўзбеклар ўзбекча гапиришдан уяладиган даражагача келди. Бундай сиёсат юргизаётган ва бу сиёсатни қўллаб-қувватлаётганларнинг турк наслдан эканлигига ишониниш қийиндир.

Муаллиф

1994 йилнинг январ ойида “Ўзбекистон овози” газетасида (4.01.94 ва 20.01.94 кунги сонларида) ўзбекларнинг турк эмас, “туркийзабон”лиги исботлашга урунилган иккита мақола кетма-кет чоп этилди. “Турк”ми ёки ўзбек?” деб номланган биринчи мақола муаллифи филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмонов бўлса, иккинчи мақола муаллифлари академиклар Аҳмадали Асқаров ва Бўрибой Аҳмедовлар бўлиб, мақола “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” деб номланган. Турк халқларининг бири-бири билан яқинлашиш, бирлашиш ва ўзлигини англаш жараёни кетаётган бир пайтда бундай мақолаларнинг “Ўзбекистон овози” (собик “Совет Ўзбекистони”) газетида кетма-кет чоп этилиши кишини сергаклантиради. Гўё “социалистик нуқтаи назардан

туриб, илмий асослашлар”, “пантуркизмга қарши ўт очишлар” даври яна қайтаётгандай...

Н. Раҳмонов ўзининг “Турк”ми ўки “ўзбек?” номли мақоласини шундай бошлайди: “Ҳозирги Туркия давлатининг асосий аҳолиси турклар, нафақат ўзбеклар, балки, туркийзабон аҳолининг ҳам қардоши эканлиги икки қарра икки – тўртдай гап. Улар Ўзбекистонни ота-юрт дейдилар. Чунки, улар минг йиллар нарида шу ердан

**“Туркийзабонлар” ким?**

кетганлар.” Жумлани илмий жиҳатдан тўғри бўлган ана шундай фикр билан яқунлаган муаллиф бир абзацдан сўнг бирданга ўз фикридан қайтади ва шундай ёза бошлайди: “Марказий Осиё аҳолиси қадимдан туркийзабон эди. Турклар эса, хунларнинг авлоди эдилар.”

Муаллиф ўз мақоласининг давомини “турк” сўзининг нақадар нисбий эканлигини исботлашга қаратиб, шундай ёзади: “...турк ҳеч қачон бир қабиланинг номини ифодаламаган”. Шундай дер экан, муаллиф “ўзбек” деган сўз ҳеч қачон бугун ўзларини ўзбек деб атаётган халқларнинг бир қабиласини ифодаламаслигини, “турк”ларда қанча кўп қабила бор бўлган бўлса, “ўзбек”ларда ҳам шунча кўп қабила борлигини (ўзбекнинг бутун турк халқлари ва қабилалари номларини ўз ичига олган 92 уругини эсланг), ҳатто бу қабилаларнинг маданий-маиший турмуши ҳам бир-бирдан фарқли эканини эсламайди. Биз Бухоро, Самарқанд, Хивадаги тарихий ёдгорликларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида, бу ҳудудларда яшайдиган уруғларнинг мусиқий санъатларидаги, урф-одатлардаги, “миллий” (бу сўз шартли равишда – том маънода эмас, нисбий маънода ишлатилган) либослардаги, тилдаги ўзига хосликлар ҳақида гапиришни яхши кўраемиз. Хўш, бу қабилаларнинг қайси бири ҳақиқий “ўзбек”? Яъний, уларнинг энг

“ўзбекроғи” қайси?

Мақоланинг давомига назар ташлайлик: “Назаримда “турк” номи ўзбек тили луғати таркибига шу даражада сингиб бораётгани, бунда “ўзбек” номи маънисиз, руҳсиздай. Агар шундай жараён давом этаверса, Ватан деган муқаддас тушунчага, миллий туйғуларга путур етиши мумкин”. Аввало, шуни айтиш лозим-ки, “турк” номи ўзбек тили луғатига “шу даражада” сингиб бораётгани йўқ, мабодо, шундай бўлаётган бўлса, буни фақат олқишлаш лозим, чунки, бу – тарихий ҳақиқатнинг ғалабаси бўлади. Қолаверса, бу иқроқ ўзбеклар ичидаги маҳаллийчилик иллатини йўқ қилади. Энди нима учун турк номи қошида ўзбекнинг “маънисиз, руҳсиздай” кўриниши масаласига келсак, буни ҳатто муаллифнинг ўзи ҳам тушунтириб беролмаса керак. Ўз номи қошида, ўзлиги олдида миллат ҳеч “маънисиз, руҳсиздай” кўринадими? Ватан деган муқаддас тушунчага келсак, биз ўз ватанимизни Сталин белгилаб берган ҳудудлардан анча кенгрок деб биламиз ва бу нарса бизнинг “миллий туйғуларга путур” етказмайди, аксинча, уни яна ҳам ўстиради, кенгайтиради. Қолаверса, кўчманчи Шайбонийхон уруғлари билан боғлиқ бўлган ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларига илк бор Шайбонийхон истилоси билан кириб келган “ўзбек” деган ном тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам бирон бир шонли, улуғ ишлар билан боғлиқ ҳолда айтилмайди. Биз ўзимизнинг боболаримиз деб гурурланадиган соҳибқирон Амир Темур ҳам, унинг ворислари, Бобур ҳам, ўзбекларга қарши курашиб, ўзларини “турк” деб атаган. Советлар даврида ҳам эса, ўзбекларни дунёдаги энг қонхўр халқ сифатида кўрсатишга урунишди – нега энди профессорларимизнинг миллий гурурига бундай ҳақоратлар путур етказмайди-ю, ўзбекнинг турк эканлиги ҳақидаги фикр путур етказди? Бизнинг гуруримиз турклигимизда эмасми? Умуман, “ўзбек”калимасини 1924 йилда коммунистларнинг дохийси Владимир Ленин расмийлаштирди. Туркистон номи йўқ қилиниб, унинг ўрнига бир қанча янги, ясама жумхуриятлар, шу жумладан, “Ўзбекия” ҳам ташкил этилди. Бир муддатдан сўнг эса, “миллийлик

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

принципи”га амал қилинган бўлиб, “Ўзбекия” номи “Ўзбекистон”га алмаштирилди. Агар биз ўзимизни бизга бошқа халқлар (масалан, руслар ёки овруполиклар) берган номлар билан аташни тўғри деб топсак, у ҳолда, биз ўзбек деб ҳисоблаётган Темур, Улуғбек, Бобур каби улуғларимизнинг ҳам рус ва Оврупо олимлари томонидан “мўғуллар” деб аталишига кўникишимиз лозим: Ҳиндистонда узоқ давр мобайнида ҳукмронлик қилган бобурийлар ҳам “буюк мўғуллар” бўлиб чиқади. Ҳудди шундай муваффақият билан “дойч”ларни русча қилиб, “немис”, “хунгар” ёки “мажор”ларни – “венгер”, “ўзбек”ларни – Чор империяси пайтида кенг қўлланилган “сарт” номлари билан атайвериш мумкин. Умуман, агар ўзбеклар Ўзбекистондаги аксилмиллий режим пропагандага учадиган бўлса, ўзининг бутун тарихидан маҳрум бўлади. Чунки, 16 асргача булган тарихимизда “ўзбек” номи билан боғланган бирон бир давлатчилик мероси йўқ. Бизни турклизимиздан маҳрум қилмоқчи бўлаётганлар айнан мана шунини яхши билганлари ҳолда, режали равишда пропаганда олиб бормоқдалар. Уларнинг Самарқанд ва Бухоро ўзбекларники эмас, деган иддаоларини бутун ўзбеклар яхши билади-ку! Бизнинг турк эмас, фақат ўзбек бўлишимизни исташларидан кўзлаган мақсадлари ҳам мана шунда – бизни ўз тарихимиз ва маданиятимиздан маҳрум қилишга урунишдадир...

Бу ўринда 18 – асрда яшаб ўтган буюк франсуз мутафаккири Монтеस्कёнинг турклар ҳақидаги фикрларини келтириш жоиз бўлади, деб ўйлаймиз. Монтескё турклар ҳақида гапирар экан, уларни ҳамма жойда “татарлар” деб атайди. У хунлар, турк хоконликлари, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, усмонли турклари, темурийлар, бобурийлар ва чингизийлар империялари ўртасида ҳеч қандай фарқ кўрмайди, уларга бир халқ – татарлар деб қарайди. Франсуз мутафаккирининг бу фикри, унинг, юқорида номи зикр этилган ўзбек академиклари ва профессорларидан кўра, ўзбеклар тарихини яхшироқ билишидан далолат беради. Матнни тўлалигича келтирамиз, зеро, у жуда ибратлидир:

“Шон-шуҳрат ва буюк истилолар

бобида дунё халқларининг биронтаси ҳам татарларга тенг келолмаган. Бу халқ – жаҳоннинг ҳақиқий ҳукмдоридир: бошқа барча халқлар гўё унга хизмат қилиш учун яратилгандай. Бу халқ империялар яратувчи ва империяларни маҳв этгувчидир: у барча замонларда жаҳонга ўзининг қудратини намоён қилиб келган, у доимо халқлар бошига ёғилган офат бўлган. Татарлар икки марта Хитойни истило қилдилар ва ҳозиргача уни ўз ҳукми остида сақламоқдалар. Улар Буюк Мўғул империяси деб аталган чексиз-чегарасиз ҳудудларда ҳукмронлик қилишмоқда. Улар Эроннинг ҳукмдорларидир, улар Кир ва Гистаспнинг тахтларидан ўтиришмоқда. Улар Московияни босиб олишди. Улар турк номи остида, Европа, Осиё ва Африкадаги бепоён ҳудудларни ишғол қилишди, улар дунёнинг учта қитъасида ҳукмрондирлар. Агар узоқроқ даврлар ҳақида гапирадиган бўлсак, Рим империясини маҳв этган халқлардан бирининг ҳам айнан татарлар эканига гувоҳ бўламиз. Чингизхоннинг истилолари олдида Александрнинг ғалабалари ҳеч нима эмас. Афсуски, бу музаффар халқнинг ажойиб қахрамонликларини улуғлайдиган солномачилари кам бўлган. Қанчадан-қанча ўлмас қахрамонликлар вақт шамоллари остида унут бўлди! Татарлар асос солган қанчадан-қанча давлатлар тарихини биз ҳали билмаймиз! Бу жанговор халқ фақат ўзининг бугунги шон-шуҳрати билан банд бўлиб, ўзининг келажакда ҳам енгилмаслигига чуқур ишонгани ҳолда, тарихдаги буюк ғалабаларини мангулаштириш ҳақида заррача ҳам қайғурмади”. (Нашр: Монтескё. “Форс мактублари”. 198- бет. Москва, 1956.)

Энди академиклар А. Асқаров ва Б. Аҳмедовларнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номли мақоласини кўриб чиқайлик. Муаллифлар мақолани шундай бошлайдилар: “Маълумки, миллат капиталистик жамият маҳсули”... Албатта, қизил алмисоқдан (яъни, коммунистлардан) мерос қолган бундай қулғули гапга диққатни қаратиб ўтирмай, тезроқ масаланинг моҳиятига ўтишни истаймиз, аммо бундай “цитата”лар олимларимизнинг тафаккур томирларини суғориб турган булоқлар эканини эслатиб ўтмасак, масалага ойдинлик киритиш нуктаи

назаридан янглишлик бўлган бўларди. Коммунистик назария бўйича, капиталистик жамият тарафидан яратилган миллатлар, шу жамиятнинг антиподи бўлган коммунистик жамият тарафидан йўқ қилинади ва охир-оқибат дунёда бир халқ ва бир тил қолади. (Бу қайси халқ ва қайси тил бўлишини эса, ҳар ким ўз хаёл кучи даражасида белгилаши мумкин.) Аммо афтидан, олимларимиз, миллатнинг пайдо бўлиш сабаби ҳақдаги ўзларига қадрдон бўлган назарияни шунча-ки, ўзлари айтмоқчи бўлган фикрга унчалик тўғри келмаса ҳам, “ўрганган кўнги” қабилида айтворишган, шекилли. Чунки, улар баҳс қилаётган 10, 11 ёки 14 асрларда ҳали ер юзида капитализм йўқ эди. Умуман, Туркистон ерларида ҳеч қачон капитализм бўлмаган. Балки, энди пайдо бўлиб қолар... Зора, ўшанда биз ҳам миллат бўлиб шаклланиш бахтига муяссар бўлсак...

Мақола таҳлилида давом этайлик: академикларимиз ўз мақолаларини шундай давом эттирадилар: “Ўзбеклар халқ сифатида 10 асрга келиб шаклланди: ҳудудий, иқтисодий, маданий, тил ва тип бирлигига эга бўлди... Ўзбеклар, баъзи бировларнинг ноилмий фикр юритишига қарши ўлароқ, турк эмас, балки, туркийзабондир. Тўғри, тилимиз туркий, лекин турк тили билан ўзбек тили ўртасида фарқ катта. ҳозирги ўзбек адабий тилини соф турк тили, деб бўлмайди. Ўзбекнинг тили, тарихи ва маданияти ҳам соф туркники эмас. Унинг жисмоний – биологик киёфаси, неча минг асрлик тарихи ва маданиятининг шаклланишида четдан келган (қайси четдан – ўнгданми ё чапдан? ғарбданми ё шарқдан? М.Б.) этник қатлам билан ерли туб аҳоли қони, тили, руҳияти, тарихи ва маданияти чатишиб, қоришиб кетган”. Бу матндаги халқнинг шаклланишини исботлаш учун келтирилаётган далилларга эътибор беринг: ҳудудий, иқтисодий, маданий, тил ва тип бирлиги... Бу “принцип”ларни бир кўздан кечириб чиқайлик:

Ҳудудий бирлик. Бундай бирлик Ўзбекистон ҳудудида ҳеч қачон барқарор бўлмаган: ҳудуд доимо гоҳ кичрайиб, гоҳ каттайиб, гоҳ майда бўлақларга бўлиниб турган.

Иқтисодий бирлик. Бу бирлик ҳам ҳудудий бирликка бевосита

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

боғлиқдир, яъний, иктисодий яхлитлик сиёсий ўзгариш ва янги давлат субъектларининг ёки хонликларнинг пайдо бўлиши билан ўзгариб турган.

Маданий бирлик. Бундай бирлик ҳам то бугунга қадар амалга ошмаган вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу хусусда биз юқорида гапириб ўтдик (миллий либослардаги – бу ерда “миллий” сўзи шартли равишда айтиляпти – урф-одатлардаги ўзига хосликлар).

Тип (антропологик) хусусиятлар. Ўзбекистонда бундай хусусиятлар ҳам ҳар хил. Бугунги ўзбеклар бир қарашдаёқ бир-бирининг қайси “тип”га мансублигини ажрата оладилар. Айниқса, барча турк қавмларини ўзига қориштириб юборган ўзбекларда “тип бирлиги” бўлиши мумкин эмас. Шу маънода, агар ўзбеклар, олимларимиз айтганидек, кимлардир билан “қоришиб-чатишган” бўлса, бу “қоришиб-чатишганлари”нинг барчаси турк уруғларидир.

Тил бирлиги. Ҳали бугунгача “ўзбек тили” деб аталаётган Хоразм “ўзбекча”си билан Фарғона ёки Тошкент ўзбекчаси ўртасида катта тафовут бор. Ҳатто агар Хоразм ўзбегии ўз лаҳжасини расмий қабул қилинган ўзбек адабий тилига мосламай гапирса, тошкентлик ёки водийлик ўзбек ҳеч нарсани тушунмаслиги мумкин. Чунки, хоразмлик ўғуз-қарлук лаҳжасида гапириб, ҳозирги ўзбек адабий тилида бўлмаган, аммо Навоий давридаги турк(ўзбек) адабиётида кенг қўлланилган “ошоқ” (паст), “оё” (кафт), “ал” (қўл) каби нотаниш сўзларни ишлатади. Навоий ижодида эса, юқоридаги каби сўзлар кенг қўламда ишлатилган. Чунки, Навоий “ўзбек” тилида эмас, турк тилида ёзган. Балки, шунинг учун ҳам ҳозир гоҳ у ер, гоҳ бу ерда Навоий асарларини ҳозирги замон ўзбек адабий тилига “таржима” қилиш ҳақидаги кинояли гаплар туғилаётгандир? (Иброҳим ҳаққуловнинг “Занжирбанд шер қошида” номли китобига Эркин Воҳидов томонидан ёзилган сўзбошига қаранг). Бугунги ўзбек адабий тилининг нақадар сунъий тил эканлигини олим бўлмаган одамлар ҳам яхши билади. Ҳар хил вилоятдан келган иккита ўзбекнинг бир-бирларини тушунмай, анграйиб туришларининг сабаби ҳам тил ислоҳотидаги мана шу зўравонликда,

сохта илмийликдадир. Бугун Ўзбекистон худудларида яшаётган ва паспортларига “ўзбек” деб ёзилган уруғлар турк тилининг барча лаҳжаларида гапирадиган қавмлардир. Бугунги ўзбеклар қипчоқ лаҳжасида ҳам, ўғуз лаҳжасида ҳам, қарлук лаҳжасида ҳам гапирадилар. Бу ҳол, бобомиз Амир Темурнинг: “Биз туркларнинг бош бўғинимиз” деган гапини тасдиқламайдими? Академикларимизнинг “ҳозирги замон ўзбек адабий тилини соф турк тили деб бўлмайди”, деган гаплари тўғри. Чунки, бу адабий тил, юқорида айтганимиздек, сунъий равишда яратилган тилдир, яъний, лаҳжаларимиздаги унга кириши мумкин, асрлар бўйи Туркистон адабиётида ишлатилиб келинган туркий сўзлар киритилмай, уларнинг ўрни форс ва араб сўзлари билан тўлдирилган. Яъний, советлар ўзбек алифбоси устида ўтказган “эксперимент”ларини (тинимсиз, ўзгартириш ва “тозалаш”дан иборат) тил сиёсатида ҳам тадбиқ қилдилар. Ўзбек имло луғати (Тошкент, “ФАН” нашриёти, 1976 й.) ўта даражада қашшоқ ва ғариб. Унинг ярмидан кўпроғини бегона тиллардан кириб келган сўз ва терминлар ташкил этади. Ўзбек изоҳли луғати (Москва, “Рус тили” нашриёти, 1981 й.) эса, ундан ҳам баггар. Гўё олимларимиз ўзбек (турк) тилидан кўра, бегона тилларни яхшироқ биладигандай, яна ҳам аниқроғи, яхшироқ кўрадигандай. Ўзбек тилининг имло, изоҳли, синоним (агар шундай луғат тузилса) луғатлари Ўзбекистондаги барча лаҳжаларни ўзига жамламоғи керак. Қолаверса, бошқа турк халқлари луғатларидаги биз унутиб юборган туркча сўзларни ҳам луғатимизга қайтадан киритиш масалаларини кўриб чиксак, фойдадан холи бўлмасди. Айниқса, чуваш, ёқут, гагауз каби умумтурк маданияти таъсири доирасидан чиқиб қолган турк халқларининг луғатлари диккат билан ўрганиб чиқилса, ёмон бўлмасди. Биз “тил сунъий равишда яратилмаслиги керак”, дея оғиз кўпиртирамыз-у, ўзимиз турк тилимиздаги лаҳжаларнинг ўзбек адабий тилига кириб келишига сунъий тўсиқлар қўямиз.

Ўзбек адабий тилининг “соф турк тили эмас”лиги ҳақидаги иддаолар борасида ўз мулоҳазаларимизни айтдик. Аммо “ўзбекнинг тарихи ва маданияти ҳам соф туркники

эмас”, деганда нимани кўзда тутган хурматли академикларимиз? Умуман, “соф маданият”, “соф тарих” дегани нима ўзи? Биронта халқ ўз маданияти ва тарихини бошқа халқлар билан алоқада бўлмай, ярата оладими? Француз маданияти, италийён маданияти, испан маданияти бор, аммо “соф француз маданияти”, “соф италийён маданияти”, “соф испан маданияти” деган маданият йўқ. Маданиятлар доимо бир-бирига таъсир ўтказди ва бу табиий ҳолдир.

Академикларимиз яна шундай ёзадилар: “ҳозир Ўрта Осиёда турк эмас, балки, туркий тиллар асосида ташкил топган ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман ва қорақалпоқ деган халқлар бор”. Тўғри, аммо бир муддат академикларимиз айтганлари сингари “ягона худудий бирлик”ни ташкил этган Ўзбекистон худудида ҳам Бухоро ва Хоразм республикалари ташкил этилган эди. Яъний, академикларимиз олға сураётган “халқнинг шаклланишидаги асосий фактор – худудий бирлик” принципи бўйича мушоҳада юритадиган бўлсак, ўшанда худди туркман ва ўзбек халқлари сингари бухорий ва хоразмий халқлари вужудга келишига сал қолганди. Агар бу иш “муваффақиятли” амалга оширилганида, балки, фарғоний ёки кўкониий халқлари ҳам вужудга келармиди, ким билади дейсиз... Бизнинг олимларимиз зўр бериб исботламоқчи бўлаётган – ўзбекнинг турк эмас, бор-йўғи “туркийзабон” эканлиги, аслида, ўзбекнинг “қоришиб-чатишиб” (ким билан?) кетган бутунлай бошқа бир миллат (қандай миллат?) эканлиги ҳақидаги тўқима, қадимги Хитой донолари айтиб кетган бир афоризмни эсга солади: “Қоронғи уйда қора мушукни излаб топиш қийин, айниқса, бу уйда ҳеч қанақа мушук йўқ бўлса”... Биз ҳам бу ташбеҳга ҳамоҳанг қилиб, шундай дейишимиз мумкин: “Қоронғи тарих ҳам қоронғи уй қабиدير, бу қоронғилиқда ҳам қора халқни (келиб чиқиши қоронғи бўлган халқни) излаб топиш қийин...”

Максуд Бекжон
1994, феврал Тошкент

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Нурбек Саломов